29 НОЯ 1990


БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 ноябрь Сешанба
№ 225 (13.661). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Ўзбекистон комсомоли: съездолди мунозараси

ИШЛАШНИ ЎРГАНАЙЛИК

Ўзбекистон комсомолларининг навбатдаги XXIV съезди яқинлашмоқда. Албатта катта анжуман олдидан турли мунозаралар, тортишувлар бўлиши табиий. Ҳар бир комсомол аъзоси ўз фикрини, дардини баён қилгиси келади. Шу муносабат билан мухбиримиз БЛКЁИ XXI съезди қатнашчиси, Жиззах вилояти Шўроси депутати, шу вилоятнинг Октябрь ноҳиясидаги Ф. Хўжаев номли давлат хўжалиги комсомол ёшлар бригадаси бошлиғи Мамадиёр НУРАЛИЕВ билан суҳбатлашди.



— Мамадиёр, анча йиллардан бери ёшларга етакчилик қилиб келаяпсиз. Комсомолнинг ташвиши, дарди сизга маълум. Сиз съезддан нималар кутаяпсиз?

— Тўғриси, комсомол-ёшларнинг катта-катта анжуманларида кўп қатнашганман. Иттифоқ съездларидан кейин назаримда гўё комсомол ҳаётида туб бурилиш бўладигандай туюлади. Бироқ, анжуман тугайди. Ҳамма уй-уйига тарқайди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Комсомолдаги ишлар эса илгаригисидай давом этаверади.

Ўйлайманки, жумҳуриятимиз комсомол-ёшларининг ҳаётида бу съезд туб бурилиш ясайди. Шундай бўлиши керак. Бу давр тақозоси. Бошқа жумҳурият ёшларига қараганда биз жуда кўп соҳада орқадамиз. Шунинг учун ёшларимиз бу анжуманда ташаббусни қўлларига олиши зарурдир. Энди юқорининг топшириғини бажариб, кун ўтказадиган даврлар ўтиб кетди. Жумҳуриятимиз ёшлари ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашмас эканлар, ҳеч ким бизга мустақилликни кўш қўллаб бермайди. Мустақилликда эса гап кўп.

— Кейинги пайтларда комсомол инқирозга учради, энди ўз-ўзидан тарқаб кетади деган гаплар бўлмоқда.

— Тан олиб айтиш керак, қоғозбозлик комсомолнинг ишига панд бермоқда. Яна бир нарсани эътироф қилиш лозим. Комсомол кўп йиллардан бери фирқанинг югурдаги бўлиб келди. Оқибатда «комсомол инқирозга учрамоқда» деган гап-сўзлар пайдо бўлди. Лекин фикримча комсомол яшайди. У ҳали инқирозга учрагани йўқ.

— Ошкоралик, демократия туфайли норасмий ташкилотлар, кўпфирқалилик вужудга келмоқда...

— Демоқчисиз-ки, келажакда комсомол улар билан қандай «муроса» қилади деб. Ҳар бир норасмийми, расмийми уюшманинг ўз сиёсий қарашлари бор. Қандай ташкилот, қандай фирқа бўлишидан қатъий назар агар ёшларнинг келажаги учун курашишга тайёр бўлса, биз ўша ташкилот ва ўша фирқанинг қарашларини қўллаб-қувватлашимиз лозим. Комсомолни инқироздан қутқариш учун фақат бировларнинг юзига қора чапламасдан, ақл билан иш тутиш керак. Ўйлайманки бу съездда шундай йўл тутилади.

КОТИБЛАРГА ТЎРТ САВОЛ

Бўлажак съездолди мунозараси давом этади.

Жумҳурият барча вилоятлари комсомол етакчилари нуқтаи назари, фикр-мулоҳазалари хилма-хил. Лекин, бир хил мақсад-маслак йўлида хизмат қилаётган бу кишиларга бир хил саволлар билан мурожаат этдик.

1. Комсомол инқирозга учради, деб ўйлайсизми?

2. Ўзбекистон ЛКЁИнинг Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари билан танишиб чиққансиз. Янги лойиҳага фикрингиз қандай?

3. Сиз яқинда бўладиган жумҳурият комсомоли съездидан нималарни кутаяпсиз?

4. Мамлакатимиздаги кўп фирқалилик даврида комсомолни қандай тасаввур қиласиз?

(Ушбу саволларнинг жавобларини 2-бетда ўқийсиз).

ҲАМОН ИЗЛАНИШДАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ИККИНЧИ КОТИБИ ИГОРЬ БИБИКОВ БИЛАН МУХБИРЛАРИМИЗ МУЛОҚОТИ



— Сиз Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш юзасидан гуруҳга бошчилик қилдингиз. Яқинда бўлиб ўтган жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг пленумида бошқа ҳужжатлар лойиҳалари қатори ана шу лойиҳа ҳам танқид қилинди. Ана шу танқидга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Танқид ишга ёрдам берса яхши. Шу нуқтаи назардан Қонун лойиҳаси юзасидан танқидларга ҳам шу жиҳатдан ёндашмоқ керак. Ана шу танқидларнинг баъзиларига қўшилиш, баъзиларига қўшилмаслик мумкин. Қонун лойиҳаси, Устав ва Ҳаракатнома юзасидан кўпгина нуқтаи назарлар билдирилди. Ҳаттоки, бизга Устав керакми ёки йўқми, деган масала ҳам қўйилди.

Фикримча, Устав зарур. Биз БЛКЁИ федерацияси субъекти ҳисобланамиз. БЛКЁИ Уставининг кўпгина қоидалари атрофлича баён қилиб берилган эмас. Мен Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Жавоҳарлаъл Ҳакимовнинг Устав қанча синчковлик билан маромига етказилса, у шунчалик демократик бўлади деган фикрига қўшиламан. Уставни бадиий, ҳар бир йигит-қизни ўзига тортадиган қилиб тайёрлаш ҳам мумкин. Лекин бундай Устав билан яшаш мумкин эмас. Агар Уставда юзага келадиган саволларга жавоб берилмаса, муаммоли вазиятлар туғилиши аён. Шу жиҳатдан Устав комсомол ходимларига ҳам, оддий комсомолларга ҳам юзага келадиган барча саволларга жавоб бера оладиган ҳужжат бўлиши керак.

— Устав — бу комсомол ташкилоти турмушининг қонуни. Уставда комсомол аъзоларининг ўзига тааллуқли бўлган, яъни унинг аъзолик ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида уч-тўрт сўзбошида айтиш мумкин-ку?! Қолган барча қисми комсомол ходимларига тааллуқли. Уставда асосий нормалар ўз ифодасини топиши лозим деб ҳисоблаймиз.

— Афсуски, кўпгина пленум қатнашчилари тайёргарлик кўрмасдан келишган. Маълумки, Устав лойиҳасини жумҳурият ёшлар рўзномаларида эълон қилдик, вилоят комсомол қўмиталарига юбордик, Марказий Қўмита аъзолари танишиб чиқишларини ва пленумгача ўз таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрадик. Нима учун пленумгача? — деб сўрашингиз мумкин. Чунки пленум, съезд сингари йирик тадбирларда ҳамма тузатишларни ҳам бир йўла қамраб олиши қийин.

Тошкент шаҳар ва вилоят комсомол қўмиталари пленум арафасида ўз таклифларини юбордилар. Биз эрталабки соат тўртга қадар ўтириб, лойиҳа устида ишладик. Ана шу таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Устав лойиҳасига зарур бўлган ўзгартиришларни киритдик. Лекин пленумда сўзга чиққан бир қатор ўртоқлар «ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак» деган умумий гап-сўзлардан нарига ўтмадилар. Ахир гап амалий бўлиши керак. Лойиҳанинг қайси бобига ва қайси моддасига қандай ўзгартириш, тузатиш киритиш лозимлиги лўнда қилиб айтилиши зарур.

— Демак, Устав ва Ҳаракатнома лойиҳаларини муҳокама қилиш ана шундай ўтди. Хўш, ёшлар сиёсати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси қандай йўналишда муҳокама қилинди?

— Биз илгари қонун лойиҳаларини тайёрлаш билан шуғулланмаганмиз. Шундан ҳам бу биз учун янги ва Устав лойиҳасига қараганда ҳам ғоят мураккаб иш. Биз муваққат ёшлар ижодий жамоасини ташкил этиб, унга Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни топширдик. Ноябрь ойида бўлиб ўтган семинарда уни муҳокама қилдик. Пленумда мен ана шу лойиҳани шарҳлаб бердим.

Маълумки, комиссия томонидан тайёрланган ёшлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси беш бўлим ва кириш қисмдан иборат. Унда ёшларга муносабат юзасидан бутун сиёсат эмас, балки давлатнинг ваколатлари, масъулияти билан боғлиқ бўлган қисми, яъни давлат ёшлар сиёсати қамраб олинган.

Пленумда бозор иқтисодиёти шароитида мазкур Қонун ишлайдими ёки йўқми, деган саволларни беришди. Бу Қонун бозор муносабатларида ишлашга мўлжалланган. Пленум қатнашчилари Қонунни амалга ошириш учун маблағ ажратилиши ёки йўқлиги, у жумҳуриятга қанча сўмга тушиши билан қизиқдилар. Бу саволларга аниқ-равшан жавоб бериш қийин. Ҳозир лойиҳа иқтисодий ва ҳуқуқий текширишда.

Фақат шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Қонун лойиҳаси ёшларга қўшимча имтиёзлар беришни эмас, балки улар учун шарт-шароитларни ўзлари яратишларини назарда тутган.

— Устав, ҳаракатнома ва Қонун лойиҳалари бир-бири билан ўзаро боғланганми?

— Шундай. Лекин фарқланадиган ўринлари ҳам бор. Жумладан, Устав лойиҳасида Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қиз бўлиши мумкин, дейилган. Жумҳурият давлат ёшлар сиёсатининг объекти ҳам ана шу гуруҳдаги ёшлар бўлишини назарда тутади.

Биз ёшлар корхоналарини жамоа шаклидаги мулк деб атаймиз. Уларнинг 50 фоиздан зиёди ёшлар жамоаси уюшмаларига ёки 35 ёшдан кичик бўлган фуқароларга тегишлидир.

Нега 30 ёш эмас-у, 35 ёш? Чунки бу соҳа бизнес. Омилкорлик.., Бу соҳада тажриба зарур.

Фарқланадиган ўринларига мисол мана шу. Лекин лойиҳаларда бир-биридан фарқланадиган ўринлари кўпроқ...

— Сиз тайёрлаган ёшлар сиёсати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ва Олий Кенгаш лойиҳаси бир-бири билан ўзаро боғланганми?

— Боғланган деб ўйлайман. Бизнинг комиссия томонидан тайёрланган лойиҳа бир мунча муваффақиятли чиққан деб тасаввур ҳам қиламан. Кенгроқ жавоб бериш қийин. Чунки мен Ўзбекистон халқ депутати сифатида мазкур лойиҳани тайёрлаётган ёшлар ишлари Қўмитасига эмас, балки мудофаа масалалари юзасидан Қўмитага кирганман.

— Унда сиз кирган Қўмита йўналиши юзасидан савол. Яқинда Кавказортидаги ўзбекистонлик бир гуруҳ аскарлардан уларни ўз ватанида хизмат қилишга ўтказиш сўралди. Сиз ана шу муаммога қандай қарайсиз?

— Армияда ҳам бутун жамиятимизда бўлгани сингари мураккаб жараёнлар бораяпти. Афсуски, ҳамон сунъий равишда вазиятни кескинлаштириш мавжуд.

Миллий армиялар тузиш керак эмас, деб ҳисоблайман. Эҳтимол, муниципиал милиция тузиш мумкиндир. Жумладан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳолатида ўз армиясини сақлашга қурби етадими? Шунинг учун алоҳида армия зарурми?

Ҳамюртларимизнинг хизмат шарт-шароитларини, қисмларда маънавий муҳитларни яхшилаш — бу бошқа иш. Қўмита ана шу соҳада иш олиб бораяпти.

— Тушунарли. Комсомол муаммоларига қайтайлик. Съезддан кейин жумҳурият комсомоли иш услубида ўзгаришлар бўлади деб ўйлайсизми?

— Комсомол барча ёшларни ўзи билан тенглаштиришга ўрганиб қолган. Лекин эндиликда бундай нуқтаи назар эскириб қолди. Ҳозир комсомол учун энг муҳими — Иттифоқ аъзоларига ўз ташаббуслари, режаларини рўёбга чиқариш имкониятини беришдир. Давлат ёшлар сиёсати тўғрисидаги Қонун лойиҳасида ҳам биз комсомоллар учун бирор бир имтиёз берилишини сўраганимиз йўқ. Мазкур Қонун лойиҳасида умуман ёшларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш масаласи қўйилган.

Иш услубимиз ўзгариб бораяпти. У янада демократик иш услуби бўлиб, янада ошкоралик касб этаяпти. Биз комсомол ташкилотларини методик-моддий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз, тажриба ўтказиш давом этмоқда.

Бизни бюрократликда танқид қилишяпти. Ўйлайманки, бу одатланиб қолишнинг натижаси бўлса керак. Биз мамлакатимизда содир бўлаётган жараёнлардан орқада қолаётганимиз йўқ.

— Охирги савол. Яқинда БЛКЁИ сафидан чиққан кишидан рўзномамиз таҳририятига хат келди. Унда миллатлараро муносабат билан ўзаро аралаш никоҳга қарши эътироз билдирилган. Съездда миллатлараро муаммоларни муҳокама қилиш назарда тутиладими?

— Шахсан мен аралаш никоҳларга ҳеч қандай қаршилигим йўқ. Миллий масала эса съездда муҳокама қилиниши, шубҳасиз, бу жиддий масала. Бу бизнинг ташвишимиз съездда оқилона кўриб чиқилиши учун бутун куч-ғайратимни аямайман.

Менинг дўстларим ўзбеклар, руслар ва бошқа миллат вакиллари. Мен Андижонда туғилиб-ўсганман. Ўзимни том маънодаги рус деб ҳисоблай олмайман: рус анъаналарини, урф-одатларини ўзбекларникига қараганда ҳам кам биламан. Жумҳуриятимиз ҳудудидан ташқарида истиқомат қиладиган қариндош-уруғларим ҳам йўқ. Шундан менда жумҳуриятдан четга жўнаб кетиш фикри хаёлимга ҳам келмаган.

Ўзбек тилини биламан. Чунки бу ҳудудда яшаган ҳар бир киши ана шу миллатнинг тилини, урф-одатини яхши билиши жуда муҳимдир. Бунда ҳеч қандай миллий муаммо ҳам юзага келмаслиги аён.

Жумҳуриятимизда комсомол ташкилотларида миллатчилик кўринишлари ҳозиргача намоён бўлгани йўқ. Бундан кейин ҳам намоён бўлмаса керак, деб умид қиламан.

Жумҳурият янгиликлари

ДАРС МУЗЕЙДА ЎТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТДАГИ 121-мактаб ўқувчилари эндиликда мутафаккир ва шоир Заҳириддин Бобур ижодини китоблардангина эмас, балки «Бобурнома» муаллифининг бу ерда очилган музейи экспонатлари асосида ҳам ўрганадилар.

Кўргазма Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, унинг Ҳиндистондаги ҳаёти, атрофидаги яқин кишилар билан таништиради. Шоирнинг турли тилларда чоп этилган китоблари ва унинг ўзига бағишланган нашрлар ҳам шу ерда кўргазмага қўйилган.

Ўзбек адабиётининг билимдони, Ойбек уй-музейининг директори Ўткир Ёрмуҳамедов ва Ғафур Ғулом уй-музейининг ходими Лутфулла Илҳомжонов Бобур музейи ташкил қилинишига катта ёрдам бердилар. Ушбу адабиёт бурчагининг пайдо бўлишига мактаб директори С. Плахов ҳам кўмаклашди.

ҲАМ КЎРГАЗМА, ҲАМ САВДО-СОТИҚ

ГУЛИСТОН шаҳар кашшофлар уйида очилган ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар ва амалий санъат усталари асарларининг кўргазмасига келган кишилар экспозиция билан танишибгина қолмай, шу билан бирга ўзларига манзур бўлган асарларни сотиб олишлари ҳам мумкин бўлди.

Бу ерда шароит яхши эмаслиги сабабли тижорат иши билан шуғулланишга тўғри келди. Кашшофлар уйининг нормал фаолият кўрсатиши учун маблағ мутлақо етишмаганидан кейин илож қанча? Маблағ эса, йилдан-йилга тобора кам ажратилмоқда.

Иккинчидан, деб ҳисоблайдилар ёш ижодкорларнинг устозлари, кўргазмаларда иштирок этиш болаларнинг ижодга бўлган қизиқишини анча оширади. Бундан ташқари, илгари ёш рассомларнинг кўпгина диққатга сазовор асарлари токчаларда чанг босиб ётар ёки ўз-ўзидан йўқолиб кетар эди. Шундан кўра бундай асарлар гўзалликни севадиган ва унинг қадрига етадиган кишиларнинг уйини безаб тургани яхши эмасми?

Пионерлар уйи тушган маблағга тасвирий санъат студияси учун зарур асбоб-ускуна ва материаллар сотиб олади. Бу иш ана шундай тадбиркорликнинг ягона намунаси эмас. Пионерлар уйида «Гулшан» ижодий гуруҳи муваффақият билан пулли концертлар бера бошлади, бу гуруҳда доирачилар дастаси, хореография жамоаси ва хор студияси бор.


БОБУР ХОТИРАСИГА

ДЕҲҚОНЧИЛИК-саноат банкининг Андижон вилоят бўлими очган Бобур номидаги жамғарма ҳисобига дастлабки бадаллар тушди. Бу пулларни техника фанлари номзоди Х. Исоқов, техника фанлари доктори С. Усмонов, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси кимё илмгоҳининг олимлари ўтказдилар.

Андижонликлар 1993 йилда нишонланадиган Бобур туғилган куннинг 510 йиллигига тайёргарлик кўриб, ўзларининг буюк юртдошлари номидаги маданият ва истироҳат боғи яратиш ҳамда унинг ҳайкалини ўрнатиш ниятидалар. Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаш ижроқўмининг қарори билан тузилган юбилей комиссияси ҳайкал лойиҳаси учун конкурс эълон қилди.

Жамғарма маблағи айни ана шу барча тадбирлар учун мўлжаллангандир.

(ЎзТАГ).



Қурол-яроғ омборига ҳужум

ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитаси жамоатчилик билан алоқалар марказидан хабар қилинишича, 23 ноябрь куни соат 3 дан 30 дақиқа ўтганда Ереванда номаълум шахслар чегарачилар қўриқлаб турган қурол-яроғ ва жанговар техника омборига ҳужум қилишган. Жиноятчилар пост жойлашган ерга яширинча яқинлашишган ва тўсатдан автомат қуроллардан ўт очишган. Отишма уч томондан баравар олиб борилган. Соқчилар мудофаага ўтиб, мадад келгунича ўт очиб қароқчиларнинг омбор биносига яқинлашишларига йўл қўйишмаган. Етиб келган мадад кучи ёрдамида жиноятчилар қўриқланаётган объект теварагидан улоқтириб ташланган. Ҳужумни қайтариш чоғида бир чегарачи ҳалок бўлди, иккинчиси жароҳатланди.

Мазкур факт юзасидан жиноий иш қўзғатилди, тергов олиб борилмоқда.

Бу бир йил ичида қурол ўғирлаш мақсадида омборга қилинган иккинчи ҳужумдир.

Фильм суратга олинмоқда

Кўҳна Хива шаҳрининг меъморчилик ёдгорликлари, кўча ва майдонлари «Тоҳир ва Зуҳра» бадиий фильми суратга олинаётган жойга айланди. «Туркманфильм» киностудияси гуруҳи ана шу фильмни яратиш устида иш олиб бормоқда.

Қадимий афсона асос қилиб олинган ушбу фильмда инсонга хос бўлган абадий ҳис-туйғулар — севги ва бурч, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва маккорлик ҳақида сўз юритилади. ССЖИ халқ артисти Б. Аннанов фильмга бош режиссёрлик қилмоқда.

Картинани яратишда кўпгина хоразмлик актёрлар ҳам иштирок этишмоқда. Суратга олиш ишлари Хоразмдан ташқари Ялтада ва Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятида олиб борилади. Икки серияли лентани мамлакат экранларига келаси йилнинг охирларида чиқариш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

«Халқ сўзи»нинг йилномаси

«Ёш ленинчи» муштарийларига маълумки, 1991 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон жумҳурияти халқ депутатлари ва Олий Кенгашининг ҳафтада беш марта чиқадиган босма рўзномаси — «Халқ сўзи» катта ҳаёт сари йўл олади. Унинг яккаю ягона нишона сони 29 октябрь куни эллик минг нусхада тарқалганлигини ҳам биласиз. Афсуски оз миқдорда чиқарилгани армон бўлиб қолди: ҳозир уни излаб топиш, ростини айтсак, амри маҳол.

Куни-кеча «Ўзбекистон» нашриёти янги рўзномани тарғибу ташвиқ этиш мақсадида махсус йилномани тайёрлаб бўлди. У «Халқ сўзи» (кирилл ва араб алифболарида) умумий сарлавҳаси остида чоп қилинган. Шундан сўнг «Ақл қайроғи, кўз чироғи, тил қаймоғи, дил ўйноғи — рўзнома» сўзларини ўқийсиз. Ранглар хилма-хиллиги ва жилоси ором бағишлайди: кўк, яшил, кумушранг, оқ, кулранг ва ҳоказо. Дам олиш ва байрам кунлари эса қизил рангда берилганки, улар мовий осмон узра сочилган яккам-дуккам юлдузларни эслатади. Ҳа, айтгандай, йилномани олганингиз биланоқ ўзингиз, оила аъзоларингиз, дўсту биродарларингиз туғилган кунларни, қалбингизга яқин саналарни қирмизи қалам билан ўраб қўйишингиз мумкин.



Эслатиб ўтамиз: «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларига обуна бўлишга шошилинг, азизлар. **Чунки муддат оз қолди — бу нашрга ёзилиш 1 декабрда тугайди.** Индексларни ёдингиздами? Ҳарқалай яна бир карра такрорлаймиз: **«Халқ сўзи»ники 64608, «Народное слово»ники 64609.**

Йилнома рўзномалар сотиладиган дўконларга чиқарилди. Унинг нархи атиги 45 тийин.

А. ҒУЛОМЗОДА.

«Ёш ленинчи»га обуна бўлишни унутмадингизми?

АТИГИ 3 КУН ҚОЛДИ

ОБУНАЧИЛАРГА 6 ТИЙИН, СОТУВГА ЭСА 10 ТИЙИН

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котибияти 1991 йил учун ёшлар ва болалар нашрларига обуна бўлишнинг аҳволини кўриб чиқди. Унда нашрлар нархининг анча ошганлиги обунага жиддий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди.

Котибият «Ёш ленинчи» рўзномаси бир нусхасининг нархини обуначилар учун 6 тийин, сотувга эса 10 тийин қилиб белгилаш ҳақида қарор қабул қилди.

Қадрли муштарийлар! Агар ўз вақтида «Ёш ленинчи»га 12 сўмга обуна бўлсангиз 8 сўмни тежаб қолган бўласиз. Энг муҳими эса, алоқа ходимлари рўзномани уйингизга ўз вақтида етказиб беришади.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»ГА ЁЗИЛСАНГИЗ... ПУЛИНГИЗГА АЧИНМАЙСИЗ

— «Теша тегмаган» янгиликлар;
— Давр ғаддорликлари-ю, умидворликлари;
— Ўзбекистондаги, Ўрта Осиёдаги ва мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар таҳлили;
— Тарих жумбоқлари ва истиқбол муаммолари;
— Руҳиятшунослар, ҳуқуқшунослар, фолбинлар (астрологлар) маслаҳати;
— Ўтмиш лавҳалари ва қадриятларимиз, маданий меросимиз ва ўзбек тили равнақи;
— Ва ўзингизни қизиқтирган барча масалалар ҳақида мунтазам маълумотларга эга бўлишни истасангиз.

«Ёш ленинчи» рўзномасига обуна бўлишни унутманг.

Бир йил учун 12 сўм тўласангиз, ўн икки ой мазза қилиб ўқийсиз.



Адҳамжон АРЗИМАТОВ,
Фарғона вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:

1. Тарих дарсларида яқинларгача инқироз фақат капиталистик тузумга хос, деб уқтириб келишди. Мана бугун юқоридаги фикр тўғри эмаслигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Инқироз ижтимоий-сиёсий турмушимизнинг деярли барча томонларини қамраб олди. Шу жумладан, комсомолни ҳам. Мен шу ўринда бир нарсани фарқлаб олишни истардим. Комсомолнинг инқирози деганда, комсомол аъзоларининг инқирозини тушунмаслик керак. Чунки улар ўз фаолиятини тўхтатганлари йўқ. Бири пахта етиштиряпти, бири ўз билимини оширяпти, бошқаси заводда ишламоқда. Демак, комсомол инқирози деганда, комсомол ташкилотлари фаолиятининг давр талаблари даражасида эмаслигини тушунишимиз ўринли. Бундан инқироз сабабини аппарат фаолиятидан қидириш лозим, деган хулоса чиқади.

Умуман олганда жумҳуриятимизда, жумладан, бизнинг Фарғона вилоятида комсомол обрўсини бутунлай йўқотиб қўйди, деб бўлмайди. Зеро, Абдулла Набиев, Майна Ҳасанова каби илк комсомоллар иш бошлаган водийда комсомол кўп жиҳатдан ўз мавқеини сақлаб келаётир. Камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Уларни тезроқ, изчилроқ бартараф этиш даркор.

2. Умуман олганда, Ҳаракатнома ва Устав жумҳуриятимиз комсомол фаолиятида катта янгилик. Шу сабабли уни қўллаб-қувватлайман. Ўйлайманки, комсомол съезди Ҳаракатномани ва оддий комсомол аъзоларига мослашган Уставни қабул қилади.

3. Съезднинг ўзига хослиги шундаки, унда илк бор демократик асосда сайланган делегатлар иштирок этишади. Бу ўз ижобий натижасини кўрсатади, деб умид қиламан.

Съезд комсомолнинг ҳуқуқ ва вазифаларини яна бир карра кўриб чиқиб, бу соҳаларда ишнинг ривожини таъминлайдиган янгиликлар киритишини, ёшлар сиёсати тўғрисида Қонун лойиҳасини тайёрлашни ниҳоясига етказиб, тезроқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши муҳокамасига киритишини истардим. Съезддан сўнг ҳар бир комсомол аъзоси ғурур билан «мен комсомолман» деб олсин. Албатта бунинг учун делегатлар катта иш қилишлари керак.

4. Тўғриси, мен кўп фирқалилик тарафдори эмасман. Тараққиёт шундай қилиш лозимлигини белгилаб берар экан, илож йўқ. Ҳозирча комсомол ёшлар ўртасида фаолият кўрсатиб келаётган ягона ташкилот. Ҳар қандай шароитда ҳам биз ўз мавқеимизни сақлаб қолишимиз керак. Зеро, комсомолнинг асосий вазифаси, бу ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашдир.




Холмурод ЖУМАБОЕВ,
Бухоро вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

1. Тўғриси, ҳозирги кунда инқирозга учрамаган бирор бир жамоат ташкилоти қолдимикан? Комсомолнинг инқирозга учраганига анча бўлди. Биринчи энг хавфли босқичдан чиқиб олдик десам, хато бўлмас. Асосийси энди бошланди. Ё у ёқлик бўламиз, ё...

2. Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ IX пленумида шу масалаларни муҳокама қилдик. Бошланғичларда ҳисобот-сайловларни яқинда тугатдик. Ноҳия ва шаҳар комсомол қўмиталарининг кенгайтирилган пленумларида ҳам кўриб чиқдик. Ҳаракатнома лойиҳасида ноҳияда чўзиб юборилган эди. Комсомол аъзоси у ёқда турсин, комсомол масъуллари ҳам батафсил танишиб олмадилар. Зерикиб кетишади. Истардимки, ҳар бир комсомол у ўқувчими, ё талабами ёки ишчими эркин танишиб билсин, муҳими, тушунсин.

3. Бу съездда янги бир ташкилотнинг замини пойдевори қўйилади, деб умид қиламан.

4. Комсомол кейинги пайтда якка ҳоким ташкилотга айланиб қолди. Бу биз учун зарарлидир. Кўп фирқалилик давридами, барибир комсомол сақланиб қолади. Агар юқорида айтганим, инқироздан чиқиб олса, обрўси ошиб кетиши аниқ.



Урол ХОЛМАНОВ,
Сурхондарё вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:

1. Ҳа, инқирозга учради, деб ўйлайман. Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, узоқ йиллар давом этган бюрократизм комсомолни инқирозга олиб келди. Комсомол ташкилотларининг ёшлар билан ҳаётий алоқасини бирмунча узилиб қолишига сабаб бўлди. Ёшларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш ҳуқуқларини амалга оширишга комсомолнинг кучи етмади. Жумҳуриятимизнинг ёшлар сиёсати тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг тайёрланиши Иттифоқдаги каби узоқ чўзилмаслиги керак. Ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қила оладиган бўлишимиз зарур. Шундагина комсомолга бўлган ишонч қайта тикланиши мумкин.

2. Янги Ҳаракатнома ва Устав лойиҳалари билан танишдим. Фикримча, лойиҳалар қисқа, лўнда бўлиши керак. Ҳозирги лойиҳалар жуда мураккаб тайёрланган.

3. Жумҳурият комсомоли съездида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ечилишини кутаяпмиз. Бутун жумҳуриятимизнинг ёшлари комсомолнинг Ҳаракатномасини белгилаб беришда ва уни амалга оширишда жумҳурият ёшларининг нуқтаи назарини аниқлаб, юқори ташкилотларга қўя билиши даркор.

4. Кўп фирқалилик даврига нафақат комсомол, балки барча ёшлар тайёр туришлари зарур. Комсомол ташкилотларини ўзимиз даврга мослаб тайёрлаб борайлик. Кўп фирқалиликдан ҳеч қўрқмайлик, келажак учун жон-дили билан курашувчи ёшларни тарбиялайлик.



Ўзбекистон комсомоли: съездолди мунозараси

Ёшлар учун қонун

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ДАВЛАТ ЁШЛАР СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ШАРҲЛАР

Ёшларни ижтимоий жараёнларга ва тузилмаларга қўшиш кўпгина ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Жумҳуриятда халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришдаги оғишлар, таълим системасининг мукаммал эмаслиги деярлик 1,5 миллион йигит ва қизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятидан маҳрум этди. Ёшлар ўртасида уй-рўзғор ва шахсий хўжалик ишлари билан шуғулланувчилар миқдори 50,8 фоизни ташкил этади.

Ёшларнинг кўтарилиш имконияти сустлиги касб-кор тайёргарлиги паст даражада эканлиги билан белгиланади. Ўзбекистонда йигит-қизларнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи 80—120 сўмни ташкил этади. Бу Бутуниттифоқ даражасининг 50—70 фоизига тенгдир. Жумҳуриятда ёшларнинг ўртача пул даромадлари Иттифоқ даражасига қиёсан қуйидагича: Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида 48,9 фоиз, Фарғона водийси вилоятларида 52 фоиз, Қашқадарё вилоятида 46,2 фоиз, Хоразм вилоятида 48,2 фоизни ташкил этади. Ёш оилалар 87,2 фоизининг турмуш даражаси жумҳуриятда белгиланган истиқомат даражасидан пастдир. Талаба оилаларнинг даромадлари айниқса кам. Кундузги таълим талабаларининг фақат 71 фоизи нафақа билан таъминланган; қолганлари эса ота-оналари ёки тасодифан топилган иш ҳақи ҳисобидан кун кечирмоқдалар.

Шахсий уй-жой олиш муаммоси ёш авлод учун фавқулодда ўткир бўлиб турибди. Вилоят марказларида ёш эр-хотинлар хона олиш учун камида 7—8 йил, Тошкент шаҳрида эса 10—15 йил кутишига тўғри келади. Шундай бир пайтда, жумҳурият шаҳарларида истиқомат қиладиган ёшларнинг 65 фоизи шахсий уй-жойга эга бўлмаган ҳолда, 22 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг 60 фоизидан кўпроғи уйланган ёки турмушга чиққан.

«Ўзбекистон ёшлари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» маърузасининг тайёрланганлиги ана шундай қарорни рўёбга чиқариш юзасидан қўйилган дастлабки қадамлар бўлди. Бу Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсатининг дастури, «Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасидир. Жумҳуриятда ёшлар сиёсатининг дастури устида иш олиб бориш давомида шу нарса аниқ-равшан бўлдики, ёшлар сиёсати тўғрисида умумий қонуннинг йўқлиги, унинг принципиал жиҳатларини белгилаб берувчи амалда бўлган қонунларни ҳар қанча таҳлил қилишга уриниш ҳеч қандай муваффақият келтирмаслигини кўрсатди.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг 1990 йилда бўлиб ўтган VIII пленумида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузурида махсус комиссия тузилди. Ана шу комиссия ёшларнинг муаммоларини илмий тадқиқ этишга кўмаклашувчи жамғарма иштирокида «Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлади. Комиссия ишида жумҳуриятнинг ёш олимлари, талабаларнинг вакиллари, ёш ишбилармонлар, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аппарати ходимлари, Тошкент ёшлар олий билимгоҳи кадрлари ва фаоллари қатнашдилар.

Комиссия томонидан тайёрланган ёшлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси беш бўлим ва кириш қисмидан иборат. Кириш қисм мазкур Қонуннинг вазифаларини таърифлаб беради.

«УМУМИЙ ҚОИДАЛАР» бўлимида Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсатининг моҳияти ва принциплари таърифланади. Таклиф этилаётган Қонун лойиҳасида ёшларга муносабат юзасидан бутун сиёсат эмас, балки давлатнинг ваколатлари ва масъулияти билан боғлиқ бўлган қисми, яъни давлат ёшлар сиёсати мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун лойиҳасида давлат ва ёш фуқаролар, ёшлар ташкилоти ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг умумий принциплари, механизмлари ва кафолатлари, давлат органларининг ана шу йўналишдаги фаолияти шакллари ҳамда жумҳурият мустақиллиги ва Иттифоқ ССЖ Иттифоқининг федератив тузилмаси шароитидаги вазифалари белгилаб берилади.

Бўлимда ана шу билан бир қаторда Ўзбекистон ССЖ, Қорақалпоғистон Мухтор Шўро Жумҳуриятининг давлат ёшлар сиёсати соҳасидаги вазифалари белгиланиб, давлат ёшлар сиёсатининг субъектлари таърифлаб берилган.

Қонун лойиҳасининг «ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ЁШЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ» деган иккинчи бўлими.

— Ёшларнинг бевосита адлия органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши орқали ёш фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилишга;

— давлат ёшлар сиёсати бевосита молия, ресурс ва кадрлар билан таъминланиши орқали ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишга, ёшларнинг камол топишига, уларнинг фаровонлигини, маданиятини оширишга юзасидан аниқ тадбирларни қабул қилишни қонуний мустаҳкамлаб қўйишга қаратилган.

Мазкур бўлимнинг марказий ғояси — Ўзбекистон ССЖнинг бошқа фуқароларининг ҳуқуқлари билан қиёслаганда ёшларга қўшимча ҳуқуқлар, кафолатлар ва эркинликлар беришни эмас, балки ёш фуқароларнинг мақомидаги ҳуқуқий ва ижтимоий етишмовчиликларни тўлдиришдан иборат.

Ёшларнинг иш билан бандлигини ва меҳнат қилиш ҳуқуқини муҳофаза қилиш соҳасида биринчи галда уларнинг иш билан бандлик ёки моддий ҳақ тўлашни кафолатлаш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда ёшларнинг иқтисодий ташаббускорлиги, ёшлар корхоналарига имтиёзли солиқ солиш йўли билан фаолият кўрсатишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тегишли ҳуқуқий расмийлаштириш амалга оширилмай туриб ёш фуқароларнинг ёши билан боғлиқ ҳолда давлат ва жамоат органлари томонидан уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиш ноқонуний деб ҳисобланади.

Бўлимнинг асосий мазмунига бир қатор қўшимча моддалар таклиф қилинади. Уларни қабул қилиш ё бошқа қонуний актлар ёки қўшимча маблағ билан таъминлангандан кейингина рўёбга чиқариш мумкин бўлади. Булар фарзандлари бўлган ёш оилаларни, вақтинча меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган ёш фуқароларни, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича моддалардир.

Ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга жумҳурият, маҳаллий бюджет даражасида маълум миқдорда пул маблағларини ажратиш назарда тутилади. Ёшларни молиявий таъминлашни ижтимоий ҳимоя қилишга бағишланган моддасида давлат ёшлар сиёсатининг мумкин бўлган молиявий манбалари таклиф этилади; ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жумҳурият ва маҳаллий жамғармалар ёшлар корхоналарининг, ёшлар ташкилотларининг, аввало комсомолнинг ўтказадиган маблағлари, давлатнинг берадиган қарзлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ихтиёрий ҳисса қўшишлари ҳисобидан шаклланади. Мазкур жамғармаларнинг маблағларидан ёшларнинг омилкорлик кўрсатишларида фойдаланиш, олинадиган фойдалардан эса солиқ солишни бекор қилиш ва уни ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни молиявий беминнат таъминлашга йўналтириш назарда тутилади.

«ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМИ, ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯСИ ВА МАДАНИЯТИ» бўлимида:

— ёшларнинг ўқув юртларини, таълим олиш тилининг шаклларини танлаш, тирикчилик кечириш учун лойиқ миқдорга мувофиқ нафақалар олиш ҳуқуқини;

— Ўзбекистон ССЖда истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ижодий камол топтиришда давлат ва жамоат ташкилотларининг, амалдор шахсларнинг кўмаклашиши;

— бевосита ижтимоий ташаббусларни, ёшлар маданий тажриба алмашишларини ва сайру-саёҳат алоқаларини, спорт-маданий муассаларга имтиёзли қатнашишини таъминлаш орқали ёш фуқароларнинг миллий ва байналмилал маданияти камол топишига давлатнинг кўмаклашиши қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилади.

«ЁШ ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАШАББУСКОРЛИГИ» бўлимида муаммоларнинг икки туркуми қамраб олинган бўлиб, уларни ҳал этиш ёшларга ёши билан боғлиқ бўлган ўз сиёсий мақомидаги камчиликларнинг ўрнини босиш имкониятини беради.

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ДАВЛАТ ЁШЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ» деган охирги бўлим давлат ёшлар сиёсатини барқарор, самарали амалга оширишни таъминловчи ташкилий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Уларнинг асосида ёшлар муаммоларини ўрганишга ихтисослашаётган Шўроларнинг доимий депутатлик тузилмалари — Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ёшлар ишлари Қўмитаси маҳаллий Шўроларнинг ёшлар ишлари доимий комиссиялари, ёшлар ишлари бўйича Ўзбекистон ССЖ давлат маҳкамалари, давлат-жамоат ҳудудий-ижтимоий хизматлари доирасида ташкил этиш киради.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон ССЖ Президентининг иштироки ҳам махсус қайд этилган. Президентнинг вазифаси доирасига: Ўзбекистон ССЖ олий давлат органлари ҳокимиятида ва бошқарувида ёшлар сиёсати соҳасида ҳамжиҳатликни таъминлаш, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашига ҳар йили жумҳурият ёшларининг аҳволи ва мазкур Қонун бажарилишининг бориши тўғрисида маъруза тақдим этиш киради.

Қонун лойиҳасида давлат ёшлар сиёсати билан собитқадам шуғулланадиган ва уни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган муаммолар бутун комплекси учун масъул орган — ёшлар ишлари бўйича маҳкама ташкил этиш назарда тутилади. Бироқ, янги шароитларда вазирликни ташкил этиш билан боғлиқ анъанавий маънодаги йўлни тутиш мақсадга мувофиқ эмас. Биз учун Скандинавия мамлакатларининг тажрибаси қизиқарлидир. Унда давлатнинг ёшлар ишлари бўйича органлари қисман давлат хизматчилари ва экспертлардан, қисман эса ёшлар ва бошқа ана шу соҳада омилкор ва манфаатдорлик билан иш олиб боришга қобил бўлган жамоат ташкилотларидан шакллантириш бошланди.

Қонун лойиҳасида жумҳурият учун янги — ёшлар ишлари юзасидан ижтимоий хизмат кўрсатиш маҳкамаси таклиф этилган. Уни ташкил этишдан мақсад ёш фуқароларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Давлат-ижтимоий хизмат кўрсатиш таркибига давлат ва жамоат ихтисослаштирилган муассасалари, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ёшларнинг ташаббускорлигини рўёбга чиқариш корхоналари киради. Улар қуйидаги вазифаларни:

— коммунал ёшлар ўз-ўзини бошқаришни, истиқомат жойларида ёшларнинг мароқли дам олишини ташкил этишни ривожлантиришга кўмаклашиш;

— меҳнат ва ўқув жамоаларида ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

— ёшларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, салбий турмуш тажрибасига эга бўлган йигит-қизларни ижтимоий кўниктириш;

— ёшларнинг жамоа ва якка тартибдаги иқтисодий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш;

— ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, болалар ва ўсмирларни тарбиялашда ёшларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга кўмаклашиш;

— ёш ногиронларнинг ижтимоий тикланишига кўмаклашишни бажарадилар.

Жумҳуриятимизда ижтимоий соҳа ҳаддан зиёд давлатлаштирилган шароитда бундай ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ҳар хил маҳкамалар ғовлари билан ажратилган турли хил давлат муассасаларининг тарқоқ куч-ғайратларини бирлаштириш йўли билан ташкил этиш мумкин. Жумладан, балоғатга етмаган ёшлар ишлари билан шуғулланувчи инспекциялар, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича бюролар, наркологик хизматлар, балоғатга етмаганлар учун қабул қилиш-тақсимлаш, васийлик муассасалари ва бошқалар, шунингдек ёшлар ётоқхоналаридаги педагог-тарбиячилар, мактаблардаги синфдан ташқари ишлар ташкилотчилари шулар қаторига киради. Улар тузилманинг ўзагини ташкил этиб, ўз зиммасига мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар билан боғлиқ бўлган муаммолар бутун комплексининг масъулиятини олиши мумкин. Ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга комсомол, касаба уюшмалари, ДОСААФда мавжуд бўлган бир қатор тузилмаларни қайта ўзгартириш, ана шу соҳага кўнгиллиларни, ширкатларни, корхоналарни жалб этиш назарда тутади. Жумҳуриятимиз учун янги бўлган барча масалаларни ташкил этишни ана шундай хизмат кўрсатиш фаолияти тўғрисида тегишли Низомни қабул қилиш йўли билан ҳал қилиш зарурлиги шубҳасиздир.

Қонун лойиҳасининг якунловчи моддаси мазкур Қонунни ижро этишни назорат қилишга бағишланган бўлиб, уларга барча даражадаги Шўроларнинг ёшлар ишлари қўмиталари ва комиссиялари, Ўзбекистон ССЖ Прокуратураси бошчилик қилади.

Жумҳуриятимизда молиявий аҳволнинг мураккаблиги муносабати билан қонунни босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилади. Қонун моддаларининг бир қисми мазкур ҳужжат қабул қилинганидан кейин кучга киради. Кўпроқ сарф-харажат талаб қиладиган моддалари эса 1992—1996 йиллар мобайнида амалга оширилади.

«Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг IX пленуми қарори билан маъқулланиб, Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездида кўриб чиқишга киритилади ва съезд томонидан маъқуллангудек бўлса, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси жумҳурият комсомолининг қонун лойиҳасини тақдим этиш ҳуқуқига кўра, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашида кўриб чиқишга киритилиши мумкин.

Хориждан хабарлар

Янги Европа барпо этилмоқда

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш (ЕХҲК)га аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Парижда бўлиб ўтган учрашуви якунлари чет эл оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди.

● ПАРИЖ. Янги Европа учун Париж хартиясининг имзоланиши «мухолифлик ва парчаланиш даври»нинг ниҳояси бўлди, деб ёзади «Монд» рўзномаси. Мазкур ҳужжат ЕХҲК аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва кенгашнинг доимий ишловчи муассасаларини барпо этиш қоидаларини белгилаб беради. Учрашув байрамона муҳитда ўтгани йўқ, чунки унинг иштирокчилари Европага янги хатарлар хавф солаётганлигини яхши тушуниб турибди. Хусусан, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги иқтисодий нотенглик Шарқий Европа мамлакатларидан оммавий равишда яна муҳожирлар ўта бошлашига олиб келади. Бунга кам сонли миллатлар муаммоси ҳам қўшилади. Шарқий Европа раҳбарларининг барчаси сўзлаган нутқларда иқтисодий қийинчиликлар асосий мавзу бўлди. Бу қийинчиликлар фақат ижтимоий ва сиёсий беқарорликнинг манбаи бўлиб қолмай, у билан бирга назорат қилиб бўлмайдиган миллатчилик ҳаракатлари тикланишига ҳам олиб келади.

● ВАШИНГТОН. «Совуқ уруш» даврига якун ясовчи тарихий ҳужжат, «Умумевропа хонадонининг пойдевори қўйилди», «Европада оддий қурол-яроғларни тубдан қисқартириш тўғрисидаги жуда катта аҳамиятга эга бўлган шартнома» — Америкадаги оммавий ахборот воситалари ЕХҲКга аъзо 34 мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Франция пойтахтида тугалланган учрашуви тўғрисида Париждан шошилинч равишда олинган хабарларга ана шундай сарлавҳалар қўйишмоқда.

Президент Буш билан совет Президенти М. С. Горбачев «совуқ урушнинг дафн этилиши» ва «мухолифлик ва Европанинг бўлиниб кетиши даври» тугаганлигини эълон қилувчи тарихий ҳужжатни қабул қилиш маросимида иштирок этган мамлакат раҳбарлари катта гуруҳига бошчилик қилишди, деб хабар қилди АП агентлиги. Париждаги учрашув, деб таъкидлайди ЮПИ агентлиги, «қирқ йиллик ҳарбий ва мафкуравий кескинликдан кейин Шарқ билан Ғарб ўртасидаги янги аҳиллик даврини мустаҳкамлайди».

АҚШ оммавий ахборот органлари ССЖИ Президентининг Форс кўрфазидаги танглликни сиёсий йўллар билан бартараф этиш мақсадида дарҳол БМТ хавфсизлик кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисидаги даъватини таъкидламоқда.

● НЬЮ-ЙОРК. «Европадаги ва Шимолий Америкадаги катта ва кичик, бой ва унча бой бўлмаган 34 мамлакат раҳбарлари иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган «мухолифлик ва ажралиш даври тугаганлигини эълон қилишди, — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» рўзномаси. — Ярим аср муқаддам бошланган жаҳон миқёсидаги можаронинг узил-кесил ҳал этилганини билдирувчи ўзига хос тинчлик шартномаси бўлган янги Европа учун Париж ҳартиясида 34 давлат инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга таяниб демократияга, иқтисодий эркинлик ва ижтимоий адолат ёрдамида тараққий этишга, барча мамлакатлар учун тенг хавфсизликка доимо содиқ бўлиб қолиш мажбуриятини олди».

● ЛОНДОН. «Индепендент» рўзномасининг фикрича, тарихий Париж учрашувининг иштирокчилари «хавфсизлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари борасида Европа солномасидаги энг йирик миқёсли ҳужжат»ни имзоладилар. Ўз навбатида, «Морнинг стар» рўзномаси хартиянинг қабул қилиниши, фақат Европа учун эмас, бутун сайёра учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу ҳужжатнинг мақсади — Европада тинчлик зонаси бунёд этилишига, бу ерда давлатлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар можаролар йўли билан эмас, музокаралар йўли билан бартараф этилишига эришишдир.

(ТАСС).

ВИДЕОҚАРОҚЧИЛАРГА ҚАРШИ ҲУЖУМ

БУДАПЕШТ, 26 ноябрь. **(ТАСС мухбири Андрей Куклин).** Шу кунларда таъсис этилган Умумвенгер видеотекалар бирлашмаси видеоқароқчиликка қарши уруш эълон қилди. Бирлашмага мамлакатда ишлаб турган бир неча фирма, шу жумладан, қўшма корхоналар кирди. Яширин иш олиб борувчи фирибгарларга қарши курашишга, ўз манфаатларини ҳимоя қилишда умумий ташкилот тузишга уларни «пинҳона бозор»да кескинлашиб кетган рақобат мажбур этди. Видеотекаларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, «видеоқароқчиликка» қарши курашда қонун таклифларини тайёрлаш янги ташкилотнинг вазифасига киради. Асосан Ғарбда кейинги вақтда тайёрланган жангарилар ҳаётидан олинган бўлмағур фильмлар таклиф этилади. Бундай маҳсулотларнинг техникавий ва эстетик сифати шубҳали бўлганлиги учунгина эмас, айни вақтда муаллифлик ҳуқуқлари ошкора бузилаётганлиги, фирибгарлар ўз даромадларини солиқ солинишидан яшираётганликлари ҳам бундай фаолиятга қарши норозилик келтириб чиқарди.

АЁЛЛАР ҚУРОЛ ЎҒИРЛАШМОҚДА

ХАНОЙ, 26 ноябрь. (ТАСС мухбири Игорь Шубин). Вьетнамда хотин-қизлар ҳам турли хорижий молларни яширин равишда сотиш билан шуғулланаётганликларига анча кўникиб қолишган. Лекин мамлакат шимолидаги ҳарбий омборларнинг биридан ўт очувчи қуроллар ҳамда ўқ-дорилар ўғирланганлиги ва сотилганлигини текшириш чоғида аниқланган нарсалар жамоатчиликда таажжуб туғдирди. «Куан Дой Нян Зан» рўзномасининг хабар қилишича, ҳарбий полиция кучлари ҳарбийларнинг бутун бир гуруҳини фош этган, улар орасида тўрт нафар аёл бўлган. Улар бир неча соат мобайнида ўзлари қўриқлаётган омбордан юзтача ўт очувчи қурол ва ўқ-дорилар ҳамда портловчи моддаларни ўғирлашган. Қуролларнинг бир қисми Хитойга сотилган, шунингдек, қора дорилар ва қимматбаҳо тошларга алмаштирилган.



ЮРТДОШИМИЗ ҚУРДИРГАН МАЧИТ

Миср пойтахти Қоҳирадаги энг катта мачитнинг қурилганига 1111 йил бўлди. Бу сон албатта ҳеч қандай юбилей йили эканлигини билдирмайди, унинг айтилиши чиройли. Мачитнинг ўзи ҳам шунча ёшга кирган бўлишига қарамасдан ҳамон навқирон. Худди куни-кеча усталар қўлидан чиққандай.

Мачитнинг тарихи ҳам ўзига яраша. Асли ўртаосиёлик қулнинг ўғли бўлган Аҳмад ибн Тулун (835-884 йиллар) подшоҳлик қилганида мамлакатда бир қанча ободончилик ишларини амалга оширганди. Афсуски, ўша даврда бунёдга келган бутун бир эски шаҳардан кўпгина обидалар шу кунгача етиб келмади.

Квадрат шаклида қурилган мачитнинг икки ёни баланд деворлардан иборат. Ўртада эса ноёб архитектура санъати ҳисобланмиш гумбазли бино. Мачит пишган ғиштдан қурилган. Унга ганч, сувоқ, ёғоч, ўймакорлиги моҳир усталарнинг меҳнатлари синггган.

М. ДИШЛЮК ва М. КРУТИХИН.
(ТАСС сурати).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АСФАЛЬТ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН!

● БУ САВОЛГА ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Лекин Миср олимлари нефть ва унинг маҳсулотларини жумладан, асфальтни ҳам одамлар 8000 йилдан бери ўз яроқларига ишлатиб келишаётганини таъкидлашмоқда.

Қадимги Шумерда ҳайкалтарошлик асарларини яратишда, қурилишларга безак беришда ва материалларни бир-бирига улашда асфальтдан фойдаланишган. Бобил (Вавилон) давлатида эса қалъа, сарой ва уйларнинг ташқи деворларига асфальт ишлатишган. Бундан ташқари Қадимги Мисрда ўликларни мўмиёлашда ҳам нефть маҳсулотлари асқотган. Ҳатто ўша даврдаёқ нефтдан чироқ сифатида фойдаланишган, деб хабар беради Болғариянинг «Труд» рўзномаси.

ҲАМ КУЙ ТАРАТАДИ, ҲАМ МУАТТАР ҲИД

● ҒАРБИЙ Европа савдо шаҳобчаларида ғаройиб пластинкалар сотилмоқда. Унинг афзаллиги шундаки, ундан ҳам куй таралади, шу билан бирга қарағайзорнинг, тоғ ҳавосининг, денгиз сувининг ва турли гулларнинг муаттар ҳидини чор-атрофга уфуриб туради.

Бундай пластинкаларни тайёрлаш жараёни ҳозирча сир тутилмоқда.

ТУХУММИ Ё ТОШ!

● ТОВУҚ тухумини баландликдан ерга ташласангиз синмай қолиши мумкинми? Йўқ, деяпсизми? Лекин синмаслиги ҳам ҳақиқат экан. Буни АҚШда ўтказиладиган махсус мусобақа қатнашчилари тасдиқлайди. Бу мусобақада дунёнинг ҳар бурчидан вакиллар иштирок этади. Бу йилги беллашувда Вашингтон дорилфунуни командаси ғолиб чиқди. Улар мусобақага олиб келган тухум бинонинг олтинчи қаватидан ташлаб юборилганда ҳам синмаган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Ой бориб, омон қайтинг

Аскар бўлиб туғилмайдилар



...ЕТТИ ЙИЛ бўлди ҳарбийдан қайтганимга. У маҳаллар қишлоғимиздан «фалончининг ўғли армияга кетаяпти» деган гапни эшитган кишиларнинг боши осмонга етарди. Кексалар ҳам суйиниб, «ҳа, элга келган тўй-да. Ой бориб, омон қайтишсин» дея дуога қўл очишарди. Бир чақирида 30 дан ортиқ бола ҳарбийга жўнаган бўлсак, сал кам бир ой ота-оналаримиз элга ош берган. Очиғи, ўша 80 йилларнинг бошида жаҳудда — Амударёнинг нариги қирғоғида эса қирғинбарот жанглар бораётганди. Бу даҳшатли талотум қурбонлари ҳақида у вақтлар лом-мим демасдилар. Бизларни кўкси тўла фахр билан армияга кузатган меҳрибонларимиз бу ҳақда ҳеч нарса билмасдилар, билганлари ҳам жим эдилар...

Бугун эса ўша пайтлардаги файзли оқшомлар, аскар кузатувлар ўзгача руҳда. Кексалар ҳам дуога қўл очганларида бир ўксик хавотир ила тиловат қилаётирлар. Бугун вояга етган фарзандини Ватан хизматига кузатаётган ота-оналар юраги безовта. «Қанийди болам, ўзимизда хизмат қилса»...

Нега фуқароларнинг кун сайин ташвиши ортаяпти? Нима учун турли жойларда аскар оналари уюшмасидан тортиб, расмийю-норасмийларгача «шонли армия»миз шаънига яхши гап айтишга чўчишяпти? Бундай ишончсизликлар қаердан, қачон пайдо бўлди ўзи? Бу саволларга жавоб топишнинг ўзи бўлмайди.

...Сумбула ойининг ўрталари эди. Муҳарриримиз чақириб кутилмаганда «эртага Туркманистонга — ҳарбий қисмларга жўнайсиз» деб қолди. Эртаси куни тунда Тошкент тайёрагоҳидан минг азоблар билан Ашхободга учиб кетдик. Ҳамроҳларим Фарғона вилояти фирқа қўмитаси ташкилий бўлими ҳузуридаги ҳуқуқ шўъбаси мудири Турдиали Йўлдошев ҳамда шу вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бош жарроҳи Темур Маҳмудов эди.

Саҳар-мардонда бизни туни бўйи мижжа қоқмаган (чунки тайёрамиз икки соат кечикиб келганди) зобитлар кутиб олишди. Салом-аликдан аввал улардан бири: «бизнинг болаларни олиб келмадингларми?» деб сўради. Турдиали ака «йигитлар касалхонада ётишибди» деб жавоб бергач, бирови «ҳеч бовар қилмаяпман. Қандай қилиб касалхонага тушишади? Ҳаммаси соппа-соғ бўлишган-ку?», деди ажабланиб. Гап ҳарбий қисмлардан қочиб кетган қўқонлик аскар болалар ҳақида кетаётганди...

Ҳалиги зобитларнинг бири командирлик қилаётган бўлинманинг ўзидан тўрт нафар ўзбек йигити «қочиб» кетган экан. Жумбоқли саволлар. Аслида бизнинг бу ёққа келишимиздан мақсад ҳам йигитлар хизмат қилаётган қисмлардаги муҳит, шароит билан танишиш эди. Нега энди улар олис Сибир ёки Узоқ Шарқдан эмас, айнан қўшни жумҳурият Туркманистон ҳудудидан қочиб кетишди?..

Биз тўрт кун давомида бир неча қисмларда бўлдик. Максимов бўлинмасидан қочган тўрт йигитнинг биттаси Ш. Алишер қайтиб келибди. Яхшиси, унинг ўз оғзидан эшитган гапларни ўқинг:

— 25 июнда қисмга олиб келишди. Августнинг бошлари эди, Зафар деган ўртоғим бир куни олдимга келиб: «Алиш, мени сержантлар урди, юр қочиб кетамиз» деб қолди. Ўша кунлари мени ҳам бир сержант урганди. Лекин ҳеч кимга айтмагандим. Кўпам ўйлаб ўтирмадик. Қочдик. Самарқандгача поездда кетдик. У ёқдан Қўқонгача автобусда. Зафар «энди бу ёққа сира қайтиб келмайман» деб айтди. Уйга келгач, уч кун касалхонада ётдим. Уйдагиларга нима бўлганини айтишга мажбур бўлдим. Улар анча-мунча насиҳат қилишди. Охири қайтишга кўндим. Поччам қисмимга олиб келди. Ҳозир ҳеч ким гапиргани йўқ...

Бу Алишернинг гаплари. Унинг кўзи олдида командирлари билан ҳам гаплашдик.

Мисрихон ТАЛИБОЕВ, бўлинма командирининг ўринбосари:

— Ўша қочиб кетганлардан Орзиқулов дегани бир куни қабулимга келди. «Ўртоқ командир ота-онам йўқ. Уйда эса ёлғизгина акам қолган. У жуда қийналяпти, ёрдам беришим керак. Нима қилайин, маслаҳат беринг» деб йиғлади. Рост, унинг бу сўзлари менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ўзим ҳам мусофир юртларда хизмат тақозоси туфайли юрибман. Уйдагиларга олисда яшашнинг барча азобларини тортганим учун унга далда бердим: «Одилжон, тушунгин, икки йил мана кўрасан, ҳадемай тугай кетади. Чида, энди. Аскар бўлиб хизмат қилиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Қўлимдан келгунича сенга ўзим ёрдам бераман» дедим. Йўқ, кўп ўтмади. Шундан кейин қочиб кетганини эшитдим.

Мана ҳар куни ҳарбий прокурор сўраб қолади: «Қочоқлар устидан жиноий иш қўзғаяпсизларми, ё йўқми» деб. Нима қилишга ҳам ҳайронмиз. Ҳаммаси ёш-ёш йигитлар. Ҳали ҳаётда ҳеч нарса кўрмаган. Худо кўрсатмасин, агар қамалиб кетадиган бўлишса, уларнинг гулдек умрлари хазон бўлиб кетади. Жуда раҳмим келаяпти...

Мисрихоннинг сўзларига қўшимча қилишнинг ҳожати йўқ. Шу қисмда хизмат қилаётган аскарларнинг ярмидан кўпроғи Ўзбекистондан. Тошкент шаҳри Ҳамза ноҳияси ҳарбий комиссариатидан чақирилган Абдураҳмон Абдуллаев, Мансур Ортиқов, андижонлик Донибек Мамажонов, самарқандлик Уктам Раҳимовлар ҳам ўз юртдошларининг қочиб кетишларига ҳайрон бўлиб елка қисишади.

САФАРИМИЗНИНГ ИККИНЧИ КУНИ ЭДИ. Бизни тайёргарликни ўтаётганлар ҳаёти билан яқиндан таништиришди. Айниқса афғон уруши бошланган кезларда худди шу ерда қанчалаб ҳамюртларимиз ўзга эл тупроғига «байналмилал бурчларини адо этгани» жўнаб кетишган. Ҳалигача ярим жон, қанчаси «темир тобут»ларда қайтиб келдилар...

Бу даргоҳда йигитлар турли хил мутахассисликлар бўйича ўқитилади. Қайси бир казармага ташриф буюрмайлик, барчаси рисолагардек. Шу асно менинг кўнглимдан «балки буларга бизларнинг келишимиз олдидан айтилиб, роса тайёргарлик кўрилгандир» деган шубҳа ҳам ўтди. Лекин...

Ҳарбий қисмлардан бирининг ошхонасига таклиф қилишди. Ҳали ҳам кўз олдимдан ўша куни кўрган икки хил манзара кетмайди. Ўша куни солдатларга болтиқбўйилик аскарлар манзара эмас, балки фуқаролик эмин-эркин кайфу-сафо армида юрган бекорчиларга ўхшатдик. Ажабланарли томони шундаки, кўкракларига турли хил бачкана расмлар чиздириб олган болалар эшик олдида ярим яланғоч ҳолда папирос тутатишиб, бақириб-чақириб ўтиришарди. Ҳатто бизларни-ку қўя туринг, ёнимизда турган зобитларга ҳам ҳарбий честь (салом) беришни билмадилар. Ёнимиздаги бепарво зобит эса бу ердаги шароитларни мақтаганча чарчамасди. Ичкарига кирамиз. Ичкарида эса қоп-қора сочли йигитлар нон юмшатаётган, стол-стулларни артишаётган экан. Ўзбекчалаб салом берганимиздан сўнг улар бизга қарашди. Ийманиб туришди. Ҳижолатомуз бир-бирларига термулишди. Шерикларимдан бири ўз ҳайратини яширолмади: «Нима, фақат ўзбеклар нарядда турасизларми?» Бирови синиқ овозда изоҳ берди: — «Взводимиз билан нарядламиз». Мен ҳам ҳайрон қолиб сўрадим: «Нима, взводингизда фақат ўзбек йигитлари хизмат қилишадими?!» Кулимсираб «жуда одобли болалар булар» дейди. Менинг вужудимни эса бир эзгин дард тирнайди. Ташқарида давру-даврон сурган «эркин дунё» болаларига ҳам ҳасадим, ҳам ҳавасим келади...

Хизматга келганлар бир неча ойгача шу ерда ҳарбий касб-кор эгаллаб, сержантлик унвонлари олишгач, турли қисмларга тарқатиб юборилади. Зобитлар ҳам бизда ўзбекларнинг «ички сир»ларини яшириб ўтирмадилар. Ана шу қисмгача муддатларда ҳам ҳар хил ички низолар бўлиб турар экан. Шунинг учун имкони борича ҳозирги пайтда бир-бирлари билан «сену-мен»га бориб турган миллатларнинг болалари ажратиб қўйилган.

УЧИНЧИ КУН. Борган жойимиздаги яна бир бўлинманинг биридамиз. Тўрт томон яшилланган чўл. Шу кунларда Ўзбекистонда саратоннинг тафти анча пасайган бўлса, бу ёқда кунлар тандирдек қизийди.

Ҳарбийлар меҳмонхонасига жойлашдик. Ҳаво дим. Ташқарини айтмай қўя туринг, ҳатто ичкарида махсус совутгич тинимсиз ишлаб турган бўлса ҳам аранг нафас оласан киши. Бу қисмда ҳам аскарларнинг асосий қисми Ўзбекистондан чақирилганлар экан. Шукрки, улар орасида қочиб кетганлар йўқ. Аммо шароит ниҳоятда оғир, эрталаб соат саккизда ҳамда кечки саккизда ичимлик суви берилар экан.

Юрий СИЧЕВ, зобит:

— Чўл ҳавосига кўникишнинг ўзи бўлмайди. Ўтган йили олис Сибирдан ёқутистонлик йигитларни олиб келишди. Кун иссиқ. Улар эса мўътадил иқлим ҳавосига ўрганишган. Ишонмайсизлар, ҳар куни уларнинг бурунлари қонарди. Бир ёқда озарлар билан жанжал. Охир иложи бўлмади, уларни бошқа жойга кўчириб кетишди. Барибир ҳар қандай вазиятда ҳам армияга аскарлар тақсимлашда чақирилувчилар яшайдиган иқлимни биринчи навбатда ҳисобга олиш керак. Олайлик, Ўзбекистон ёки Ўрта Осиёнинг ҳавосига ўрганган болани Сибирга олиб кетишса, унинг саломатлигига жуда катта таъсир қилиши мумкин. Биздаям шароит кўпчилик ўйлагандек «жаннатмакон» эмас. Қийин. Энди сизларга айтсам, зобитларнинг ҳаётини биласизлар. Битта ўзинг сарсон бўлганингни етмагандай, бир ёқда турмуш ўртоғинг, иккинчи ёқда эса фарзандларинг ҳам сенинг азобингга шерик. Тайинли яшаш жой бўлса яхши, бўлмаса... Сафаримиз давомида зобитларнинг айримлари ҳам ҳарбий ҳаётидан нолиди. «Шароит оғир, ижара кваратиралар ва...»

...ни олиб келиш учун Қўқонга капитан Қурбонов (туркман зобити) ҳам бориб келибди. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Мана унинг сўзлари:

— Ростини айтсам, энди менга тилла беришсаям қочганларнинг изидан бормайман. Борганларимга минг марта пушаймон бўлиб қайтиб келдим. Ҳамма менга жуда совуқ муносабатда бўлишди. «Салим қаерда?» деб сўрасам, бир акаси аввал «марказий касалхонада» деди. Бошқаси эса «руҳий касалликлар шифохонасида» деб жавоб берди. Кейин айтдики... «армиядан қочиб келган қўқонлик болалар билан психкасалхонада ётибди» деб. Уларнинг Салимни бу ёққа юбориш ниятлари йўқ энди...

Қайси қисмга бормайлик, қўқонлик қочиб кетган йигитларни ўз қисмларига қайтиб келишларини бизлардан ўтиниб сўрашди. Қисмлардаги ҳақиқий кўрган-кечирган воқеаларни, яшаш шароитларни, уларнинг ота-оналарига айтишимизни илтимос қилишди. Салим Шукруллаев хизмат қилган қисмдан Ўзбекистон ноҳиясилик Козимбек Шокиров, бағдодлик Ботиржон Солиев, бувайдалик Зафарбек Эргазиев ва бошқалар ҳам ўз дўстларининг қайтиб келишларини исташяпти. Аммо...



* * *

...ҚЎҚОНЛИК Салим Шукруллаев мураккаб ҳарбий техникали қисмда хизмат қиларди. Албатта, бундай жанговар қисмларга ҳар кимни олишавермайди. Салим ҳам дўстлари қатори бинойидек хизмат қилиб юрганди. Лекин...

Ўша куни унинг сержантидан тортиб, қисм командирларигача — ҳаммаларидан Салимнинг нима сабабдан қочиб кетганлиги сабабини сўраб-суриштирдик.

Взвод командири ўринбосари, сержант:

— Биласизлар, бизнинг қисмда хизмат қилиш осонмас. Даставвал анчагина қийинчиликлар бўлади. Тўғриси, Салим аскарликка тайёр эмасди. Жисмоний жиҳатдан чиниқмаган. Рус тилини яхши билмайди. Доим сафланишларга ҳам, машғулотларга ҳам кечикиб келарди. Албатта аввал наряд эълон қилмай юрдим. Охири...

Рота командири:

— Салимни тўғриси, ҳеч ким ургани йўқ. У ўз аризасида «мени сержант Новиков урди. Ўлдираман деди» деб ёзган. Бу ёлғон. Мана ишонмасанглар, ўзи билан бирга хизмат қилган қўқонлик йигитлар билан ҳам гаплашинглар. Айтиб беришади юртдошларининг қандайлигини. Очиғи, Шукруллаев хизмат қилишни истамади...

Ҳарбий врач:

— Шу йигит икки марта олдимга келди. Оёғи ва қўли оғришидан шикоят қилганди. Уйига-акасига телеграмма жўнатган. Унда шундай деб ёзибди: «Ака, мени бошқа ерга жўнатишмоқчи. Тез етиб келинг ёки телеграмма беринглар менинг номимга» деган мазмунда. Ўшанда июлнинг охирлари эди. Акаси келгач, унга шаҳарга чиқиш учун рухсатнома беришган. Шундан кейин акасига қўшилиб кетиб қолибди...

Биз Салим ҳақида суҳбатлашган кишиларимиздан ҳаммасининг сўзларини келтирмадик. Бу «масала»да ҳеч ким ўзини айбдор деб ҳисобламайди. Ҳарбийлар ҳам ўзларича ҳақ, шу жумладан Салим ҳам. Суҳбатимиз давом этарди. Зобитларнинг гапларини эшитиб турган Турдиали ака охири чидаб туролмади:

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Ўзи ким айбдор? Ҳаммаларинг ўзларингни оқлаяпсизлар. Қани сиз менга айтинг-чи, — дея у киши Салимнинг сержантига юзланди. — Бирор марта уни ҳоли чақириб, ҳақиқий одамгарчилик юзасидан бўлса ҳам берилган буйруқларни, топшириқларни бажармаганида, сизга қулоқ осмаганида бир акадай бўлиб маслаҳат ёки йўл-йўриқ кўрсатдингизми? «Аввал наряд эълон қилмай юрдим. Кейин» деяпсиз. Албатта кечагина ота-онасининг иссиқ бағридан келган бола осмондан тушгандек туюлган ҳарбий интизомга кўниколмайди-да!

Сержант яна ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтолмади. Сўнгра Турдиали ака:

— Мен бу билан ўз юртдошимнинг айбини оқламоқчи ва сизларни қораламоқчи ҳам эмасман, — деди. — Унинг қочиб кетиши биз учун яхши эмас. Хато қилган. Балки ҳозир у қизиққонлик қилиб кўп нарсаларни тушунмас. Кейин англаб етади, унда кеч бўладими деб қўрқаман. Салим ҳозир тери касалликлари диспансерида. Даволаняпти. Лекин тузалиб чиққанидан сўнг бу ёққа қайтишни истамаяпти...

Масала ҳақиқатан жуда жиддий. С. Шукруллаев уйига телеграмма жўнатмасдан олдин қисм командирлари орасида уни Қирғизистонга жўнатиш ҳақида гап-сўз бўлган. Шунда менинг хаёлимга бирдан «балки Салим Ўшдаги қонли воқеалар муносабати билан у ёққа боришдан чўчиган бўлиши ҳам мумкин» деган шубҳали ўй ўтди. Балки...

Ҳали Салимнинг масаласи узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Ҳарбий гувоҳномаси, аскарлик кийим-кечаклари қисмда турибди. Унинг қайтиб келишини кутишяпти. Салимни

* * *

Ростини айтсам, бу ерда мен «эл»чилик қилмоқчи эмасман. Чунки тўрт кунлик сафаримиз давомида кўрган-билганларимиз, суҳбатдош бўлган ҳарбий соҳа вакилларининг гапларидан кўриниб турибдики, икки томон ҳам оппоқ эмас. Аслида мени қийнаган, изтиробга солган нарса бошқа...

Биринчи кундан бошлабоқ, зобитларнинг «аскарларимизнинг ўз қисмларини ташлаб кетаётганликларида Қўқондаги норасмий уюшмаларнинг «хизмати» бор» деган гаплари мени ўйлантириб қўйди. Бунинг устига ҳамроҳларим ҳам бу гапларнинг баъзиларини маъқуллашди. Чунки уларнинг айтишига қараганда, вилоят фирқа қўмитаси биноси олдида норасмийлар, фарзандлари ҳарбийда ҳалок бўлганлар, қочиб келган аскар йигитлар йиғилишиб норозилик билдиришган. Унгача ва шундан сўнг ҳарбий қисмлардан аскарларнинг қочиб келиш ҳоллари аста-секин кўпая бошлаган. Бу гапларнинг қанчалик рост, қанчалар ёлғон эканлигига мен ҳозир кафолот беролмайман. Чунки ҳозирги кунда биргина Қўқондан эмас, балки жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоят ва шаҳарларидан, қишлоқларидан ҳам йигитларимиз ўзлари хизмат қилаётган қисмларни ташлаб келаётганликлари ҳақида мисоллар бор. Энг ачинарлиси, ҳамон ҳамюртларимизнинг ҳарбийдан келаётган «темир тобут»лари тўхтамаяпти. Яқинда эълон қилинган мамлакат ва жумҳурият президентларининг фармони ҳам халқимиз кўнглига анча таскин бўлди. Лекин ҳали ҳам ташвишли хабарлар, мактублар тўхтагани йўқ.

Яширмайлик, эндиликда халқимиздан шу пайтгача сир тутиб келинган нарсалар аста-секинлик билан бўлса-да, очила бошлади. Шу жумладан ҳарбий соҳада ҳам. Чунки бундан тўрт-беш йил муқаддам журналистларнинг ҳарбий қисмларга киритилишини тасаввур ҳам қилолмасдик. Аммо қанчалик сирларимиз ошкор бўлгани сайин фожиаларимиз ҳам кўпайяпти. Фуқаролар нотинч бўлаяптилар. Биз суҳбатлашган қисм командирларининг барчаси ўз тасарруфларидаги аскарларнинг ота-оналари учун эшиклари доимо очиқлигини айтишди...

* * *

МАНА ҚЎЛИМДА Қўқон шаҳар фирқа қўмитаси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасининг нашри бўлмиш «Меҳнат байроғи» рўзномасининг шу йил, 26 август сони. Унда Қўқон шаҳар аҳолисининг, турли хил расмий ва норасмий уюшмаларнинг талаблари асосида чақирилган халқ депутатлари Кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари сессияси XXI-3-1 сонли махсус қарори ҳамда шу нуфузли йиғилиш аҳлининг жумҳурият Олий Кенгашига йўллаган Мурожаати эълон қилинган. Унда жумладан шундай дейилади: **«Баъзи бир ҳарбий қисмларда кўнгилсиз воқеалар содир бўлиб турибди. Чунончи 1989 ва 1990 йилнинг ўтган етти ойи мобайнида Қўқон шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган саккиз нафар йигит ҳалок бўлди.**

Совет Армияси сафидаги содир бўлиб турган кўнгилсизликлар натижасида ҳарбий хизматдан мажбуран қайтиб келган йигирма икки нафар қўқонлик аскар шифохоналарда даволаняпти. 18 нафари тиббий комиссия хулосасига асосан ҳарбий хизматга лаёқатсиз, деб топилди.

Шаҳар партия ва совет ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, халқ депутатлари, шунингдек, норасмий уюшмалар фаолларининг мазкур масала юзасидан Иттифоқ ва жумҳурият ташкилотларига қилган мурожаатлари етарли самара бермаётир. ССЖИ Мудофаа вазирлиги, Бош Ҳарбий Прокурор, қатор ҳарбий округ ва қисмларга йўлланаётган мурожаатномалар кўп ҳолларда жавобсиз қолмоқда».

Сессия биз сафардан қайтиб келганимиздан сўнг чақирилганини ҳисобга оладиган бўлсак, одамларнинг норозилиги айнан ўша кунлари жуда кучайган. Ҳатто кўпчиликнинг кузги чақирувда фарзандларини армияга юбормаслик талаблари билан чиқишгани ҳам рост. Лекин ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида жумҳуриятимиздан чақирилган 430 нафар йигит армияда ҳалок бўлди. Ҳалигача ўз жигарбандларининг ўлимларида айбдор бўлган жиноятчи-қотилларнинг жазоланмаётганидан нолиб турли хил ҳарбий маҳкамалар эшикларида сарсон-саргардон бўлиб ҳақиқат излаб юрган ҳамюртларимиз қанча. Ҳали бизда «Хитой девор»ларидан ҳам мустаҳкам метин деворлар, эшиклар кўп. Яна муштарийлар биз — журналистлардан нолийдилар: «Нега сизлар ана шу «сирли ўлим»лар ҳақида ҳеч нарса ёзмаяпсизлар?», «Нега бор ҳақиқатни ёзишга қўрқасизлар?» деб. Қани энди биргина мақола ортида қанчалик азоблар, кўнгилбузарликлар, тортишувлар, ҳар хил қўнғироқлар бўлишини билсангиз эди...

Шу ўринда яна сессия иштирокчилари қабул қилган мурожаатга қайтамиз. Унинг ҳар бир бандини тўлиқ келтиришнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, уларда фуқароларимизнинг дарду-ҳасратлари ўз аксини топган. Масалан: ҳарбий-қурилиш отрядларини батамом тугатиш, ҳарбий комиссариатларнинг чақирилувчилар тақдирига жавобгар эканликларини ҳамда жабрдийда оилаларга етарлича ёрдам беришларини йўлга қўйиш, армияда ҳалок бўлган аскарларнинг оилаларига нафақа белгилаш ва уларга шу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, ҳар бир ҳалок бўлган йигитнинг ўлими сабаблари аниқланиб, жиноятчиларнинг ким ва қаердан бўлишлигидан қатъи назар, уларни жиноий жавобгарликка тортишни Бош Ҳарбий Прокурордан талаб қилиш, ҳарбий хизматни турли хил сабаблар билан ташлаб келган аскарларга умумий авф берилиши, уларни «қочоқ» сифатида жавобгарликка тортмаслик масаласини ижобий ҳал этиш сингари талаблар Мурожаатномада кенг баён қилинган.

Кейинги икки йил ичида Қўқон шаҳрининг кенг жамоатчилиги вакиллари, қолаверса, вилоятнинг бошқа қатор нуфузли ташкилотлари мутасаддилари ҳам армияда содир бўлаётган бундай салбий ҳолатларга бефарқ қарашаётгани йўқ. Биргина вилоят комсомол қўмитаси фаолиятига назар ташласак, уларнинг ташаббуси билан ҳар хил соҳа вакилларини ўз ичига олган кўп сонли делегациялар мамлакатимизнинг турли бурчакларида ўз йигитлик бурчларини ўтаётган фарғоналик йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар ҳаёти билан яқиндан танишиб қайтишди. Делегация аъзолари орасида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ота-оналар, фирқа ва комсомол, маданият, соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимлари бор эдилар. Бундай сафарлар қанийди тез-тез уюштирилиб турилса. Лекин ҳар хил ички низолар камайиш ўрнига кўпаяётган, ташвишли мактублар, телеграммалар тўхтовсиз келиб турган бир пайтда сафарга отланган кишиларнинг кўнглига қувонч сиғмайди. Кексалар бундан ўн-ўн беш йиллар аввал бугунгидек диллари ўксиб, хавотир ила фарзандлари олдига шошилмасдилар. У маҳаллар суюнчи тилаб чопган болакайларнинг ширин қичқириқлари кимларга орзу, кимларга армон бўлиб қолаётир...

Ҳозир армия ҳақида узоқ тортишувлар давом этаяпти. Ҳарбий бўлмаганлар билан ҳарбийлар ўртасида армияни қай тарзда ислоҳ қилиш масаласи қизғин ва кескин тортишувларга, баҳсларга сабаб бўлмоқда. Яқингинада Тошкентдаги зобитлар уйида бўлиб ўтган давра столи қатнашчилари менинг «профессионал ва миллий армияларга муносабатингиз қандай?» деган саволимга шундай жавоб беришди:

А. ВАРИЧЕВ, зобит (Олмаота):

— Мен миллий армия масаласида фикр билдирсам майлими? Яширмайлик, етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида «байналмилалчилик» ҳақида тўхтовсиз гапирдик, ёздик, овоза қилдик. Лекин бу билан ҳеч ким ҳақиқий «байналмилалчи», комил инсон бўлиб қолмади. Аксинча, ошкоралик туфайли ҳар бир миллат ва элат ўзлигини англаб етди. Кўзи очилди. Баландпарвоз шиорлар энди ҳеч нарсани ўзгартиролмаслигини ҳали ҳам кўпчилик тушуна олмаяпти. Армия масаласида ҳам худди шундай.

Ҳозир армияда ўзаро миллий низолар кучайди. Норасмийлар бир ёқда, расмийлар бир ёқда тортишиб ётибди. Иккала томон ҳам ўз фикрини тўғри дейди. Энди ишнинг шу зайлда давом этиши ҳеч қандай ёрдам бермайди. Аввало халққа фойдаси тегадиган томонни ўйлашиб тортишсак бўларди. Миллий армияга муносабатим, салбий. Ўз-ўзимизни кимдан ҳимоя қилмоқчимиз?..

А. МАРДИРОСОВ, майор:

— Профессионал армияни оладиган бўлсак, менинг муносабатим, яхши. Бу ҳақда халқ депутатлари съездида ҳам гап бўлди. Лекин ҳали билдирилаётган мулоҳазалар, таклифлар бирёқлама. Аввало, профессионал армиянинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаб кўриш керак. Ҳозирги армиямиздаги амалдаги қонунлар эскирди.

АСКАРЛИК. Ҳисобли умрнинг икки ёхуд уч йили ана шу СЎЗ бағрига сингиб кетади. Кимдир армияда ўтган йилларини энтикиб-энтикиб хотирлайди. Яна кимдир эса у ёқдан орттириб қайтган жароҳатлар гирдобида тунлари зор-зор йиғлайди. «Ўз хизмат бурчини ўтаётганда...», «Эҳтиётсизлик оқибатида...», «Миллий низолар туфайли ва ҳ...» дея тамғалар босилган «200-юк»ларни қучоқлаб йиғлаётган муштипар волидалар, дарди-дунёси куйиб кетган дили хун падари бузрукворлар эса «Шонли армиямиз» шаънига ...ўқийдилар.

Эҳ, бу замон қандай замон бўлди? Жавобсиз саволлар вужудингни қийнайверади, қийнайверади...

Мақолани тугатолмадим. Эшик тақиллади. Кўзлари ичига кириб кетган, юзларидан хасталиги шундоқ сезилиб турган, икки бети шишган бир йигит ва қўлида оғир жомадон кўтарган иссиқ кунда ҳам бошига телпак кийиб олган, ғамгин, элликларга борган бир киши кириб келди. Сўрашдик. «Ўғлимни Москвадан олиб келаяпман. 5 октябрь куни кўргани бордим. Не кўз билан кўрайки, уни кимлардир аёвсиз дўппослаган. Оғзини уриб ёрган. Лекин у қаерда ким урганини айтолмайди. Ҳамма ёғи ярачақа. Врачларга кўринибди. Яхши бўлмаган. Карахт. Ишонмассиз, у бу нарсани сўранг, жавоб беролмайди. Ҳеч нарсани эслолмайди. Энди нима қиламан?..»

Андижон шаҳри Шўро кўчаси, 56-уйда истиқомат қиладиган Обиджон акани тўғриси юпатолмадим. Кап-катта эркак кишининг кўзлари ёшга тўлиб йиғлашига чидаб бўлмас экан...

Ўғли Олимжон (отаси тўғри айтган экан) саволларимизга жавоб беролмади. Аввал танкчилар қисмига, кейин эса қурилиш отрядига тушган. Шу йил июннинг охирларида хизматга кетган экан. Мана бир неча ой ўтар-ўтмас қайтиб келаяпти. «Қаерга, кимга мурожаат қилайлик. Касалхонага ётқизмасак бўлмайди. Аҳволи оғир...»

Шунда биз журналистлар ҳам бу дунёда ҳали кўп нарсаларга қодир эмаслигимиздан, ёлғизгина қаламимизга суяниб қолганимиздан ҳижолатда қолдим.

АСКАРЛИК. Яна шу сўз бағримни ўртайди. Гоҳо кўнглимга ширин-ширин умидлар ҳам йўллайди. Эссиз, ҳеч ким онасидан аскар бўлиб туғилмас экан...

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

МУАЛЛИФДАН: Ушбу мақоланинг эълон қилиниши турли сабабларга кўра кечикиб кетганлиги сабабли ҳамроҳларимга узримни айтмоқчи ва аскарларнинг кейинги тақдири ҳақида сўраб билмоқчи бўлиб Фарғонага сим қоқдим. Афсуски, ташвишли хабарни айтишди. Вилоят бош жарроҳи Т. Маҳмудов автомобиль ҳалокатига учраб уйида ётган экан... У кишининг уйига қўнғироқ қилиб кўнгил сўрадим. Аскарлар ҳақида сўраш ноқулай бўлди. Вилоят фирқа қўмитаси ташкилий бўлими ҳузуридаги ҳуқуқ шўъбаси мудири Т. Йўлдошев билан боғландик.

— Йўқ, улар ҳали шу ерда, — деди Т. Йўлдошев. — Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими йигитлар хизмат қилган ҳарбий қисмларга уларнинг саломатликлари қай аҳволда эканлиги тўғрисида ўз хулосасини юборган эди. Шу кунларда Ашхободдан ҳарбий врачлар комиссияси ҳамда қисмлар вакилларини келишини кутаяпмиз. Сўнгги сўзни шулар айтишади...

Зора. Биз ҳам умид қилиб турибмиз. Адолат устун келсин-да...

Ҳуқуқ-тартибот посбонлигида

ЖИНОЯТЧИЛАР УШЛАНДИ

Шифокорлар жуда ташвишга тушиб қолишди. Чунки Бухоро ва Самарқанд вилоятларида жигар ва кўз касалликлари билан оғриган одамлар кўпайиб кетди. Улар орасида ўлганлар ҳам бўлди. Шифокорлар бунга сифатсиз ароқ истеъмол қилиш сабаб бўлаётганлигини аниқладилар.

Бухоро вилояти давлат хавфсизлиги бошқармаси ҳамда ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг ходимлари ишга киришдилар. Муваффақиятли ўтказилган операция натижасида узоқ вақт сохта ароқ тайёрлаш билан шуғулланиб келган жиноятчиларнинг уюшган гуруҳи фош этилди. Навоий ички ишлар бош бошқармаси БХСС бўлимининг бошлиғи, қўлга олиш операциясида бевосита иштирок этган Алишер Ражабов шундай ҳикоя қилади:

— Бухоро вилоятининг Навоий, Навбаҳор, Қизилтепа ноҳияларидаги ҳамда Самарқанд вилоятининг Хатирчи ноҳиясидаги айрим дўконлардан сотиб олинган спиртли ичимликларни истеъмол қилиш натижасида, айниқса, кўпчилик заҳарланди. Экспертлар бу ароқ таркибида заҳарли кимёвий моддалар борлигини аниқладилар. Шишаларнинг қопқоғи ва ёрлиғи заводники бўлса-да, бу ичимлик Бухоро вино заводида тайёрланмагани аниқланди.

Узоқ қидиришлардан кейин жиноят излари бизни Навоий шаҳридаги электр кимё заводига бошлаб келди.

...Тунги соат учларга яқин завод автобазасининг дарвозаси эҳтиёткорлик билан қия очилиб, у ердан юк машинаси чиқди. Машина заводнинг асосий биносига яқинлашиб, ўша ерда тўхтади. Шу заҳотиёқ дарвоза очилиб, машина завод ҳовлисига кирди ва тез ўт олувчи заҳарли моддалар сақланадиган омбор томонга юрди. Омбордан бочкаларнинг бир-бирига урилган овози, «Бўлақол, тезроқ... кун ёришиб қолди» деган сўзлар эшитилди. Ярим соат ўтар-ўтмас машина қайтиб чиқди.

Оператив гуруҳ буларнинг ҳаммасини суратга олди. Жиноят устида етти киши қўлга олинди. Машинадан илгари заҳарли кимёвий моддалар сақланган 18 та ифлос бочкага қуйилган уч ярим тонна техник спирт топилди.

Қўлга олинганларнинг уйида тинтув ўтказилганида жуда кўп ароқ ёрлиқлари ва қопқоқлари, шунингдек пул топилди.

Жиноятчилар гуруҳи Навоий электр кимё заводи раҳбарларининг жинояткорона масъулиятсизлигидан фойдаланиб, давлатга миллионлаб сўмлик моддий зарар келтириш билан бирга кўплаб одамларнинг саломатлигига путур етказди. Иш юзасидан тергов давом этмоқда.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

«ЁШЛИК»: ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Янги йилда сиз ёш ва навқирон адибларимизнинг янги шеър, ҳикоя ва қиссаларини ўқийсиз. Тарихимизнинг номаълум саҳифалари билан ошно тутинасиз. Жумҳуриятимиз улкан сиймоларининг бозор ва ҳаёт ҳақидаги долзарб мулоҳазалари билан танишасиз.

Азиз ўқувчилар! Қуйида Абул Ҳасан ал-Кисоийнинг «Оламнинг аввали ва охири ҳамда пайғамбарлар хусусида» номли асаридан парча ўқийсиз. Бу ғоят улкан ва ибратли китоб тўла ҳолида жаридамизнинг янги йил сонларидан бошлаб эълон қилинади.

Абул ҲАСАН ал-КИСОИЙ

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом воқеалари

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг[1] бир отлари Яъқуб эрди. Кўб йиғлагани сабабидан Нуҳ атандилар. Кўб йиғламоқликлари уч боисдан эрди. Бири улким, бир куни Шайтони лаъин қошлариға келиб, бениҳоя ризолиқ ва миннатдорлиқлар қилди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Эй малъун, сен мандин мунча миннатдорлиқ қилурсан? Шайтон айдики: — Эй, Нуҳ, бу оламнинг халқини бир дуонг бирла дўзахга улоқтирдинг! Ҳамма дўзахлар тўлди, ман ғуссадин халос бўлдим. Агар сен дуо қилиб мунча халқни йўқ қилмасанг, бу халқдин қанча пайғамбарлар, қанча авлиё, қанча олиму зоҳид, солиҳу фозил, тақводорлар вужудға келур эрди. Мани ҳар кунда минг лаънат қилур эрдилар. Ҳаммаси йўқ бўлди. Ул боисдин бисёр миннатдорлиқ қилурман, манға сандек хизмат қилғон киши йўқдур, — деди.

Шундин (Ҳазрат Нуҳ) пушаймон-надоматлар қилдилар, на учун сабр қилмай, бетоқатлик қилибман деб, чандон йиғладилар.

Яна бир ривоят улким, бир куни бир ит қошлариға келиб турди: «Бисёр бадшакл ва бадҳайбат ит экон, — дедилар. Ул ит: — Эй, Нуҳ, нақшни айб қилурмусан, наққошни? Агар наққошни айб қилсанг, наққош Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодур, — деди.

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом бу сўзлариға пушаймон бўлиб, беҳад-беҳисоб йиғладилар.

Яна бир боиси улким: Ҳақ таъолодин нидо келдики: — Эй, Нуҳ, кўза этғил! Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом кўза тайёр қилиб бўлғондин кейин «Ҳаммасини синдирғил!» деб фармон бўлди. Айдиларким: — Эй, бори Худоё, «Кўза этгил», дединг, на миқдор машаққатлар била кўза этдим, «Ушотғил» дединг, ушоттим! Мани эмгакимни (меҳнатимни) зое қилдинг, боиси на турур?!

Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин нидо келдиким: — Эй, Нуҳ, беш-олти кун этган жонсиз кўзани эмгалиб этиб эрдим дерсан! Мағрибдин Машриқнинг ораси тўла одам эрди, на миқдор авлиё-анбиёси, муттақий олим, фозил, солиҳ одамлар бор эди. На миқдор рўза, намоз, зикр, тасбеҳлар қилур эрдилар. Сен ҳаммасин йўқ қилғил, деб дуо қилдинг. Мен ижобат қилиб, ҳаммасини йўқ қилдим. Санга «шунча халқимни на учун йўқ бўлсин, дединг?!» — демадим.

Нуҳ алайҳиссалом бу сўзга ҳам ҳижолат бўлиб, кўб йиғладилар. Анинг учун Нуҳ атандилар.

Алқисса Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг вақтларида бу олам Мағрибдин Машриққача тўла одам, туташ том эди. Том тепаси бирла бир иқлимдин иккинчи яна бир иқлимға борса бўлур эди. Ер юзида ошлиқ, экини ер йўқлиғидин улоқ бирла тоғларда тош тепасиға сув қуйиб, ер қилиб, экин экардилар. Ул вақтдагидек ободлиғ вақт бўлғон эмас.

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом рисолатларининг (расуллигининг) сабаби ул эрдики, ҳазрат Идрис алайҳиссалом бу оламдан чиқиб, беҳишти анбарсириштға жовидон бўлдилар. Орада чандон (кўп) муддат ўтди, ислом йўқ бўлиб, оламни куфру залолат босди. Фарзанди Одам икки қисм бўлдилар.

Қобилни авлоди шаҳарда эрди. Ҳазрат Шиш алайҳиссаломнинг авлодлари тоғда ва биёбонларда юрди. Буларнинг йигитлари чиройлик эрди. Қобилнинг авлодлари кўрксиз, бадхулқ эрди, хотунлари чиройлик эрди. Буларнинг одати дўмбоқини ноғора чалиб, элни йиғиб ўйнар эдилар.

Бир куни Шайтон алайҳи-л-лаъна келиб, бир дўмбоқни чалиб элни йиғди. Ул куни буларнинг ийди (ҳайити) эрди. Ҳазрат Шиш алайҳиссалом тоифаларидин бир киши келиб, тамошо қилди. Буларнинг хотунлари чиройлук. Бу киши хотун-қизларни кўриб, бисёр завқлар қилиб, бориб бир неча йигитларға айтти. Булар ҳам ғойибона завқлар (олиб), кейинги ийдга тамошо қилғоли келдилар. Бу фоҳиша хотунларни кўриб, айландилар. Бора-бора бани Шишнинг ёш йигитлари мунда келиб, фоҳиша ва қабиҳ ишларға кўнгил бериб, фисқу фасод бисёр бўлди. Ул халқни имонға даъват қилғоли ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломға фармон бўлди.

Ҳазрат Одам Сафиулло васият қилиб эрдиларким: «Мени фарзандларимки борсизлар, Қобилнинг авлодидан хотун олманглар, хотун ҳам берманглар» деб, таъкид этиб эрдилар. Бир куни бу келғон йигитлар ҳаммаси хотунға айланди. Бу хотунлар ҳам яхши эъзоз бирла пеш келур эрди. Буларни излаб яна неча кишилар ҳам келди. Фоҳиша хотунлар тутуб, фирифта қилиб, фосиду-фасод зиноу залолатға шуруъ қилдилар. Баъзилари кўнгил тобушиб, эру хотун бўлдилар. Қобилни авлоди ҳадсиз бўлиб қолди.

Алқисса бутпарастларнинг боши улким, вақтики, Ҳазрат Одам алайҳиссалом вафот бўлғондин сўнг Қобилнинг авлоди ота-бобомизни тавоф қилоли деб эрди. Баъзилари қўймас эрди. Қазоро бир кун Шайтон алайҳи-л-лаъна буларға айдики: — Ман йиғочдан бир сурат этиб берай, ҳар қачон тавоф этсанглар, Одам алайҳиссаломни тавоф қилғондек бўлурсизлар. Булар ҳам маъқул кўрди. Шул замон сурат этиб берди. Булар бутға, бутхонаға жидду-жаҳд қилди(лар).

Алқисса бу замонда халқнинг кўплиги онча бор эдиким, икки ойлиғ ерға борсалар, муттасил кўча бирла юрар эдилар. Шул аснода Ҳазрат ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломға фармон бўлдиким, кофирларни бутдин, ўтдин ёндириб, менинг бирлик ва борлиғимга тарғиб қилғил. Узунгни пайғамбарлиғларингга қойил қилғил. Менга тоат қилсунлар! Аларға беҳишти анбарсиришт берай! Беҳиштда тахту бахт узра ўтурғузиб, тожу хуллолар, ҳуру қусурлар бирла сарафроз қилай! Алвон турлук ноз-неъматлар, набот, қанду қандолат бирла эъзоз, инъом эҳсон қилай! Қачонки, сенинг даъватинға кирмаса, менинг амрифармонимни (тингламаса), имон-исломни қабул қилмаса, ман аларни бу оламда турлук азоблар бирла тутарман. Емакларига заққум, ичмакларига заҳар берурман. Охиратда абадул-абад дўзаҳдин халос қилмасман.

Ҳазрат Нуҳ аллайҳиссалом айдиларким: — Худоё, худовандо, дунё кенг ва одам кўп, ман ёлғиз, шунча халққа кучум етмас, менинг айтқонимға унамас, нечук қилурман?! — дедилар.

Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, сан нечук (қўрқарсан), халойиқға менинг борлиғимни еткурғил, дедилар.

Алқисса Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом кофирларға насиҳат қилдилар. Кўчаларда ва бозорларда юруб халққа насиҳат қилиб Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг айтғон ҳукмини айтсалар, кофирлар масхара тутуб, кулишиб, бу одам беҳуда сўзларни айтур деб, тош, хишт бирла уруб, бошлариға тупроқлар сочар эрдилар.

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Илоҳо, Худовандо, бу кофирларға ҳарчанд насиҳат қилсам таъсир қилмағай, дедилар. Ушбу қисм насиҳат қилсам, кундан-кунға зиёда кулфат қилодур, дедилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло «Сабр қилғил!» дер эрди. Аммо кофирлар ўзи бўлса ҳам болаборқасиға насиҳат қилур; Айтдиким: — Ул жинни бобонг сўзиға кирманглар! Қўлларингдан келса изза қилғайсизлар! — дер эрди. Бола-барқаси айтур:

— Ман чўнг (катта) бўлғунча бу бобо бор ё йўқ! Ҳоло урсам, — деб тош билан урар эди. Бошлари ёрилиб, қонлар оқар эди. Айтур эдиларким: — Илоҳо, Худовандо бу на иҳонатдур, эмди тоқатим қолмади. Чўнглари урар, олти ёшар боласи ҳам урар!

Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, терак кўчатини тўла эккил! деб.

Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом терак экдилар. Анғача яна қирқ йил ўтди. Ҳаргиз ёмғур ёғмади. Булоқлар қуриди. Кофирларнинг хотини, йилқи, қорамоли ҳам ҳеч туғмади. Анғача терак камолға етти.

Хитоб келдики:

— Эй Нуҳ, эмди теракларни кесғил, тўфон балосини юборурман. Мағрубдин Машриққача дунё сувға тўлар, ҳар қанча эгиз тоғлардин қирқ қари юқори турур, ҳеч жонивор тирик қолмас! Магар сен кема қилурсан. Ул кемаға кирғон тирик қолур. Андин бўлак ҳамма ҳалок бўлур? — дедилар.

Алқисса Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом теракларни кесиб, тахталарни тайёр қилдилар. Бандиларини маҳкам қилғоли темурларни рост қилдилар. Алқисса, уч қават кемани сарҳисоб қилдилар. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдиларким: — Илоҳо, Худовандо, шер била айиғ, бўри била қўй, қарға била кучқон душман турур. Бири-бирини тутиб еса нима қилурман? — дедилар.

Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, бир-бириға ҳаргиз уақилмас.

Алқисса, тахталарни йўндилар, (ҳар) бир тахтада бир пайғамбарнинг оти битилиб чиқди. Охири тўрт тахта кам бўлиб қолди. Бу тўрт тахтаға лойиқ йиғоч топилмади. Ҳайрон бўлиб туруб эдилар. Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, руди Нилни ўртасида бир чинор бор. Ануш вақтидаги чинор. Шу чинорни олиб келиб ёрса, тўрт тахта бўлур.

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айтдилар: — Илоҳо, Худовандо, ман ёлғуздурманки, ани қандоқ олиб келурман? Анинг ва мунинг ораси уч йиллиқ йўл турур.

Хитоб келдики: — Эй, Нуҳ, Ож ибн Ануқни бир тўйғазиб қўймоққа ваъда қилғил! Нуҳ алайҳиссалом айттилар:

— Ул менинг ботмон унимнинг нониға тўймас! Онча таомни қайдин топиб берурман? Нидо келдики: — Эй, Нуҳ, ани тўйғазур вақтида ҳаргиз ғам емағил, ўзим тўйғазурман. Валлоҳу аълам!».

Алқисса, Нуҳ алайҳиссалом кемани йўнгунча кофирлар келиб масхара тутиб кулиб кетар эрдилар. Охири кема битғонда бир кеча кофирлар йиғилиб келиб, кеманинг ичини нажосатға тўлғазди. Олиб пок қилишнинг иложи йўқ Нуҳ алайҳиссалом Муножот қилдиларким: — Илоҳо, бу кемани кофирлар нажосатға тўлғозибдур, на илож қилурман деб?

Хитоби илоҳий келдики: — Эй Нуҳ, ғам емағил, ўзлари йиғлаб покиза қилиб берадур! — деди. Неча кундин кейин бу кофирлар ЖУЗОМ оғриғиға дучор бўлди. Катта-кичик ҳамма қоши, киприги, сочи, соқоли тушди. Оғриққа чидолмай бир кофир бетоқат бўлиб эмди мундоғ ранж тортгунча ўлғоним яхши, ул ачиб заҳар бўлиб қолғон нажосатни ичсам — ўлсам деб! Келиб тўйгунча еб соғайди. Ул бориб ўзгасиға айтди. Бири-биридин англаб келиб егонлари соғайди. Муни талошиб, чандон кофирлар ўлди. Неча кофирларни боши ёрилиб, бути синиб, сан бўқ единг, ман еолмадим деб, бир-бирларини ўлдиришди. Бўқ битгандин кейиб, ювиб ичдилар. Андоғ қилиб кема тозаланди.

Алқисса ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом гузор ба гузор, маҳаллама-маҳаллама, шаҳар ба шаҳар юруб, насиҳат қилур эдилар. Кофирлар таёқ, тўқмоқ, хиштлар бирла урар эдилар. Охирул амр муножот қилдиларким: — Илоҳо, Худоё, худовандо, тўфон юбораман деб эдинг?! Ул иш муяссар бўлмади! Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, жами ҳайвонлардин бир жуфтдин кемаға солғил! Тонглағача бало юборурман.

Ҳазрат Нуҳ, алайҳиссалом ман ёлғуз, ул миқдор жониворларни қандоқ қилиб топиб олурман?! — дедилар. Ман тонгла ҳаммасини жуфти бирла кемага юборарман! — деди. Тонгласи ҳамма жониворлардин бир жуфт, бир жуфт ҳозир бўлди, кемаға солдилар. Андин мевагиёҳлардин, дарахтларнинг уруғидан олдилар. Асли саксон киши мусулмон бўлиб эдилар. Кеманинг юқори табақасида учарлик (паррандалар), ўртасида ўзлари, Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг жасадлари бирла ўлтурдилар. Ончаки, боши — фил, оёғи (охири) — чумоли — жами ҳайвонот тубанги табақасиға кирди. Аввалғи ўша жониворларнинг катталарини оёғида ёнчилмасин деб, ўзларини қошларида турғузди.

[1]Мазкур ривоят «Қиссаи Рабғузий»да ҳам бўлиб, Абул Ҳасан ал-Кисоийдан таржима қилинган деб тахмин этилади.

Эслатамиз: «Ёшлик» ойномасига обуна бўлишга шошилинг. Муддат 1 декабргача.

Янги йил ойнасўзлари:

- МУСТАҚИЛ БЎЛА ОЛАМИЗМИ?
- ОИЛА СИРЛАРИ
- ТАЛАБА МИНБАРИ
- МАКТАБДАН МАКТУБЛАР
- ИСЛОМ РИВОЯТЛАРИ
- КУЧЛИ ШАХС КЕРАКМИ?
- ҚИШЛОҒИМ СЕНГА НЕ БЎЛДИ?
- ХАЁЛОТ
- ТАРИХ, БУГУН, КЕЛАЖАК
- ТИЛ САНДИҒИ
- ТАНИШУВ
- ЯНГИЧА ТАЛҚИНЛАР
- ЧЕМПИОН БЎЛА ОЛАМИЗМИ?
- ДЕПУТАТ СЎЗИ



Суратчи: Муҳаммад АМИН.



Хаёл оғушида

Суратчи: Даврон АҲМАД.

Хайрли иш

Жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ҳам бир йилдан ошди. Қисқа муддат ичида оз бўлса-да, ўзгаришлар бўлди. Айниқса, пойтахтимиз Тошкентда қатор кўча, дўкон ва даҳаларнинг ўзбекча номланиши бизни ниҳоятда қувонтирди.

Қуръони Каримнинг ўзбек тилига ўгирилиб босилгани эса хайрли иш бўлибгина қолмай, ўз миллий тарихимиз ва маданиятимизга ота-боболаримиздан қолган меросга нисбатан ҳурмат қайта тикланаётганидан далолат беради. Негаки Қуръон фақат диний дастуламал бўлмай бевосита халқимиз ўтмишига боғлиқ нодир маданий ёдгорлик ҳамдир. Партия ва ҳукуматимиз хайрли ишларини бундан буён ҳам давом эттирадилар деган умиддамиз.

Ш. МАННОПОВ.

«Шахтёр» Грачёвсиз ўйнайди

Мамлакатимиз футболчиларининг чет эл клубларига бир неча йил ўйнаш шарти билан кетаётганлиги албатта озми-кўпми ички чемпионатга салбий таъсири бор. Яқиндагина машҳур футболчиларимиз — О. Протасов ва А. Михайличенколарнинг хорижга кетиш-кетмаслиги тўғрисида баҳслар бўлганди. «Шахтёр»нинг ажойиб ҳужумчиси Виктор Грачёв тўғрисида бундай шов-шувлар бўлмади. 34 ёшни уриб қўйган футболчи ўз ихтиёри билан командани тарк этди-ю, лекин футбол ўйнашдан воз кечмади. Энди унга ўйин бир мунча қийин кечиши табиий. Чунки янги команда, янги шериклар. Бир-бировни тушуниш дегандай...

Венгрия чемпионати олий лигасида ўйнаётган Дебрецен шаҳри футбол клуби Грачёвни кутмоқда.

Навбат Ван Бастенга

Рўзномамизнинг олдинги сонларидан бирида «Черноморец»нинг УЕФАга қай тарзда ва нима сабабдан жарима тўлаш кераклиги тўғрисида ёзгандик.

Ишқибозлар касридан Грециянинг «Олимпиакос» ва Олмониянинг «Магдебург» командалари жабр кўришди. Энди улар томошабин тўпламасдан «саҳна ортида» бир нечта ўйин ўтказишга мажбурлар.

«Севилья» командаси билан бўлган ўйинда торпедочи Олег Ширинбеков майдондан чиқариб юборилиб бир ўйин қолдиришга мажбур. Ширинбековнинг олган жазоси машҳур футбол юлдузларидан бири Марко Ван Бастенники олдида ҳеч нарса эмас экан. Гап шундаки, у «Брюгге» (Бельгия) ўйинчисини тирсаги билан урганди. Ана шу нотўғри ҳаракати учун тўрт ўйинда иштирок этолмайди. Шу жумладан 29 ноябрь куни Италиянинг яна бир командаси «Сампдория» билан бўладиган Суперкубок ўйинида ҳам қатнаша олмайди.

«БОБУР ГУЛОБИ»—ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

Андижон тиббиёт илмгоҳида янги шифобахш ичимлик яратилди. Унинг муаллифи шу илмгоҳ доришунослик кафедрасининг мудири, профессор Т. Абдураҳмонов янги ичимликни буюк юртдошимизнинг 460 йиллиги шарафига «Бобур гулоби» деб атади.

Ичимлик Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган доривор гиёҳлар шарбатидан тайёрланди. Клиник синовлар бу ичимлик қон босими ошиб кетганида, аллергия касалликлари ҳуруж қилганда яхши ёрдам беришини кўрсатди. Бу ичимликни соғлом одамлар ҳам қувват берадиган восита сифатида ичишлари мумкин.

Шифобахш ичимликнинг тажриба туркумини тайёрлашда шифокорларга Олтинкўл ноҳия матлубот жамияти озиқ-овқат комбинатининг ходимлари ёрдам беришди. Ҳозир уни саноат йўли билан ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир ишлар олиб борилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Хотира

ЯХШИЛАР ЎЛМАЙДИЛАР...

Тириклик билан Абадият ораси бир қадам эканлигини энди, анча улғайиб қолганимдан кейин сезаяпман. Шукрки, душманим йўқ. Дўстларим бисёр. Қаерга борсам, қучоқ очиб қаршилайдиган кўнгил очарларим кўп. Шулардан бири, бағдодлик (Фарғона вилояти) Рустамжон Тожиев эди. У билан дардимиз ҳам бир эди. (машҳур полвон, ўзбек спортининг фидойиси эди, азамат) «Э, Ахбор ака» биз ўзбеклар ўзимизнинг кимлигимизни билмаймиз-да» деб қўярди гоҳо. Гоҳо ўзбек полвонлари шуҳрати пасайиб кетганидан нолиб қолса, бошқа гал суюкли «Пахтакор»имизнинг бошини силайдиган одамлар топилмаётганидан куйиниб юрарди. Чунки унинг ўзи 30 ёшигача футбол ҳам ўйнаган эди-да. Лекин тўсатдан, қирққа етмай Рустамжоннинг дунёдан ўтгани...

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари орасида биринчи марта спорт вакили борлигини эшитгач, менда матбуот учун мақола ёзиш истаги пайдо бўлди. Ушбу орзуни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини хаёл қилиб юрганимда тўсатдан Рустамжоннинг ўзини жумҳурият спорт қўмитасида учратиб қолдим.

Эртасига «Тошкент» меҳмонхонасидаги суҳбатимиз қарийб уч соат давом этди. Ўша кунлари Италияда футбол бўйича XIV жаҳон чемпионати ўйинлари эндигина бошланган эди.

— Биласизми, — сўз бошлади суҳбатдошим, — ким чемпион бўлишини ҳозироқ айтиб беришим мумкин, буни юрагим сезиб турибди — ОФЖ терма командаси.

— Курашчининг мардлиги шундаки, унинг қўли баланд келиб, қувончини баҳам кўришга ошиқиб, ўз устозига юзланишдан олдин мағлуб бўлган рақибини қўлидан маҳкам тутади, — деган эди ўшанда у. — Халқимизнинг марду-майдонларга ҳурмату-эҳтироми беқиёс эканлиги ҳам асли шундан. Қирғизлар тўй қилганда ўзбек ва тожиклар кураш тушиб базмга файз киритса, ўзбекнинг тўйига ташриф буюрган полвонларнинг саноғи бўлмасди.

Эсизгина, дўстимиз ҳаётлигида кўп нарсаларга эришолмади...

Ҳаёт шундай экан. Бировга вафо қилади, бировга жафо. Лекин одамлар яхшилик нури ёғилиб турган инсонларни ҳеч қачон унутмайдилар. Рустамжонни кўрган, билганлар унинг қадрини энди англаб ета бошладилар. Бу ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шу. Мен бу гапларни бежизга айтмаяпман. Ўзбекистон ССЖ ва ССЖИ спорт мастери, миллий кураш бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари мутлақ чемпиони, жумҳурият тоифасидаги ҳакам Рустам Тожиевнинг ўзбек спортида тутган ўрни беқиёс эди. Доим куйиб-пишиб юрарди, раҳматли. «Яхшидан боғ қолади» деганлари рост экан. Унинг изидан қанчалаб шогирдлари қолди...

Яқинда Фарғонага бордим. Дўстимнинг хонадонига азадорлар кўнглини сўраш учун. Турмуш ўртоғи Маҳбубахон унсиз йиғлайди. Не деб юпатмоққа ожизлик қилдим. Аранг «бандалик экан, сингилжон» дея олдим холос. Кўнглим эзилиб кетди. Шунда Рустамжондан ёдгор бўлиб қолган фарзандлари Эркин, Тўлқин, Мавжуда, Абдухалил, Шоира, Камола, Раҳимахонларга термулиб барибир фидойи дўстимнинг яшолмаган умрини шулар яшашига имон келтирдим...

Унинг ниятлари кўп эди. Элдошлари ҳам бежизга ишонч билдиришмагандилар. Лекин умр деганлари ҳисобли экан. Вафо қилмади. Қанча ишлари, орзулари қолиб кетди унинг. Одамзот дунёга бир марта келади. Ана шу қисқагина ҳаётида Рустамжон кўпчиликка яхшилик қилишга улгурди. Энди унинг юртдошлари, қолаверса бизлар тириклигида кўрсатолмаган ҳурмат-эъзозимизни кўрсатайлик. Биз янги йилдан бошлаб спорт қўмитамиз ташаббуси билан машҳур полвон дўстимиз хотирасига бағишлаб махсус турнир ўтказишни ният қилиб қўйдик. Ҳали унинг олдида узолмаган қарзларимиз кўп.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ.



ТВ

28 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Кимё. Галогенлар оиласи. Хлор ва унинг бирикмалари. 12.00 «Юрак операцияси». Телефильм. 12.30 Такрорий фильмлар экрани. «Товламачи». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Бувижон, ўргатинг». Мультфильм. 18.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Назорат экрани». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Учрашув». Жумҳурият ёш ижодкорларининг VI семинар кенгаши. 20.25 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек классик куй ва қўшиқлари. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ўзбекистон Ленин комсомоли съезди кундалиги. 22.20 «Олтинга тенг». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Санъат олами» (рус тилида). 19.35 «Ким тойчоқни эркалайди». Телефильм. 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Тундаги ҳодисалар». 20.55 «Дўстларимиз даврасида». Концерт.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ашки зиндаги». Видеофильм-спектакль премьераси. 23.00 «Шўнғиётган қизилтўш». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 «Биз қул эмасмиз...» Телевизион ҳужжатли фильм. 9.30 Москва Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг концерти. 10.30 К. Симонов. «Урушсиз ўтган 20 кун» қиссасидан, парчалар. Муаллифнинг ўзи ўқиган. 11.00 «Сўз» Адабий-бадиий программа. 13.00 «Вақт». 13.40 «Менинг Чайковскийим». М. И. Прудкин ҳикоя қилади.

* * *

16.10 «Мусиқий хазина». Л. Бетховен. Скрипка ва оркестр ижроси учун ре мажор концерти. 16.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.55 «Бу бўлган... бўлганди...». 18.20 Сиёсий мулоқотлар. «Мана менинг қишлоғим». Олтой ўлкаси. 19.10 «Ўзингга ўзинг ёрдам бер». Х. М. Алиевнинг ўз-ўзини бошқариш услуби. 19.55 «Кинопанорама». 21.25 Коллаж. 21.30 «Вақт». 22.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Торпедо» (Москва) — «Монако» (Франция). 23.40 Союзлар уйининг Колонна залида Лидия Русланова хотира кечаси (27 октябрда ёзиб олинган). 00.55 «ТСН».

ЁШЛАРНИНГ АСАРЛАРИНИ НАШР ҚИЛАЙЛИК

Ўн бештадан ортиқ қўлёзма нашрга тавсия қилинди. Тошкентда тугалланган жумҳурият ёш адиблари VI семинарининг якуни ана шундай бўлди.

Семинарда Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан келган юздан ортиқ ёш муаллиф иштирок этди. Ёшлар асарлари сўз усталарининг ҳукмига ҳавола қилинди. Улар ёш адибларга яхши маслаҳатлар бердилар ва талайгина жиддий мулоҳазалар билдирдилар. Ана шу учрашув доирасида ўзбек адабиёти бўлимидаги каби рус ва қрим татар адабиёти бўлимларида ҳам муҳокамалар бўлиб ўтди.

Ёшлар ижодига диққат-эътибор ортиб бормоқда. Ёш муаллифларнинг китоблари кўпроқ чоп этила бошланди, уларни Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиш кўпайиб бормоқда, ижодий семинарлар тобора самарали ишламоқда. (ЎзТАГ).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32 УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. 28622.